

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ҲАЙДАРОВА САЙЁРА

**СОВЕТ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ
ВА БОШҚАРУВИ**

5120300 –тарих (Минтақалар ва мамлакатлар бўйича таълим йўналиши
бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ИШ РАҲБАРИ:

т.ф.н.доц.,ЮСУПОВ Э.Ю.

АНДИЖОН - 2016

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I БОБ. Ўрта Осиёнинг совет республикаларига бўлиниши.....

1.1. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши.....

1.2. 1926 йил: Фарғона водийси районлаштириш кўзгусида.....

II БОБ. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва бошқаруви.....

2.1. СССРда совет бошқарувининг мазмун-моҳияти.....

2.2. Ўзбекистонда давлат қурилиши: ижтимоий-иқтисодий
жараёнлар. Пахта экспансияси.....

III БОБ. Сиёсий –маъмурий муҳит ва собиқ совет номенклатураси.....

3.1. Ўзбекистонда советлар катагон сиёсати.....

3.2. Шароф Рашидов –ўзбек халқи фарзанди.....

Хулоса

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги: Ҳозирги кунда, республикамызда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни кетаётган шароитда бу борадаги тарихий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбек давлатчилиги, унинг совет мустамлакачилик даврида кечган тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг *«Биз босиб ўтган йўлимызни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак»*¹ - деб алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика тарихчилари билан учрашувида (1998 йил 26 июн) сўзлаган нутқида² ҳамда кейинги чиқишларида тарихий ҳақиқатни тиклаш соҳасидаги ҳаракатларнинг кенг дастури, Ватанимизнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлида мўлжалланган мақсадларга эришишининг илмий асоси белгилаб берилди. Уларда миллий тарихимиздаги юксалиш ва танглик даврларини янгича методологик нуқтаи назардан туриб таҳлил қилиш, совет мустамлакачи - империя тузумининг Ўзбекистонга кўрсатган бузғунчилик таъсирига доир омилларни аниқлаш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий такомилга эришувида тарих фанининг таъсирини кучайтириш зарурлиги қайд этилган. Чунки бу даврни халқимиз ҳаётидан ўчириб бўлмайди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек: **“...бу йиллар тарихи бу бизнинг тарихимиз, халқ тарихидир”**.³

¹ Каримов И. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» 3-китоб, «Ўзбекистон» 1996 йил, - Б. 34

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.:Ўзбекистон. — 1998.

³ Ўша асар, — Б. 48

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитети эълон қилинган эди. Мустақилликка эришган Ўзбекистон бутун жаҳон олдида ўз келажагини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат деб эълон қилди. Бу табаррук кун Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик тарихидаги порлоқ саҳифа бўлиб қолди. Мустақиллик халқимизни мустабид ва мафкуралашган тузум кишанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданият ва анъаналарини, кадр-қимматини, диний эътиқодини, она тили ва маънавиятини, миллий тарихини қайта тиклаш имконини берди. Бу мустақиллик Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишига, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишига имконият яратди. Мустақиллик мамлакатимизнинг улкан табиий хомашё бойликларини эркин тасарруф этиш, инсоний, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурслардан ҳамда юртимиз салоҳиятидан халқимиз манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишимизга имконият яратди.

Мустақиллик иқтисодиётни, ижтимоий соҳаларни, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга, ислоҳ қилишга катта туртки берди. Истиқлолнинг ҳаётбахш заминида янги демократик қадриятлар илдиз отишига, бошқарув тизимида кўппартиявийликни юзага келтиришга, инсон ҳақҳуқуқлари ва унинг асосий бойлиги бўлган эркин-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига мос келадиган янги замонавий, сиёсий, хўжалик ва жамоа тузилмалари қарор топишига имкон туғдирди.

Айни шуни ҳисобга олган ҳолда биз ҳам, “Совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда давлат қурилиши ва бошқаруви” мавзусини битирув малакавий ишимиз объекти сифатида танлаб олдик.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: Совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда давлат қурилиши ва бошқаруви тарихи масаласини ўрганиш ва таҳлил қилиш ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Ўрта Осиёнинг совет республикаларига бўлиниши тарихини таҳлил қилиш;

- миллий давлат чегараланиши тарихини вилоятлар мисолида кўриб чиқиш;

- СССРда совет бошқарувининг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

- Ўзбекистонда давлат қурилиши ва бошқарувини марказ экспансияси нуқтаи назардан таҳлил қилиш;

- Сиёсий –маъмурий муҳит ва собиқ совет номенклатураси вакиллари ҳаётини ёритиш;

- Ўзбекистонда советлар катағон сиёсати моҳиятини ёритиш.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари.

Мавзунинг ёритиш жараёнида илмийлик, тарихийлик, узвийлик тамойилларига таянилди. Тадқиқотнинг методологик асосида сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарларида илгари сурилган концептуал ғоя ва фикрлар муҳим роль ўйнайди. Мавзуга миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғоясидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

Иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, советлар даври Ўзбекистон тарихининг тарихшуносликда номаълум бўлган қирралари билан боғлиқ тарихий воқеаларга холисона баҳо бериш, уни тўлдириш ва аниқлик киритишда ёрдам беради.

Ишда баён этилган материаллардан олий ўқув юртлари, академик лицей, коллежлар, умумтаълим мактаблари учун Ўзбекистонда давлат қурилиши ва бошқаруви тарихидан, хусусан Андижон тарихи тарихшунослигидан методик қўлланмалар, тавсиялар тайёрликда хизмат қилади.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат ишнинг умумий ҳажми _____ бетни ташкил қилади.

I БОБ. ЎРТА ОСИЁНИНГ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАЛАРИГА БЎЛИНИШИ

1.1. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши.

Советлар ҳукмронлиги ўрнатилган дастлабки кунлардан бошлаб совет ҳукумати ўз манфаатлари йўлида ҳалақит берадиган ҳар қандай ўзгаришлар ва янгиликларни бўғиб ташлаб, маҳаллий халқларнинг миллий манфаатларига зид келадиган ягона бошқарув тизимини мустаҳкамлаб борди.

В.И.Лениннинг ташаббуси ва ғояси билан СССР давлати ташкил топди.

Таъкидлаш лозимки, собиқ совет ҳукуматининг кўпдан-кўп халқлар ва элатларни бирлаштирган “қудратли империя” тузиш йулидаги олиб борган сиёсати ушбу “империя” таркибида бўлган халқларнинг миллий манфаатларига мутлақо зид эди.

1923 йилнинг июлида РКП (б) марказий кўмитасининг миллий республикалар ва вилоятлар масъул ходимлари билан бўлган кенгашида Сталин мамлакат шарқида инқилобий ғояларни Шарқда жорий этишнинг таянчи бўла оладиган тажриба майдонини яратиш билан боғлиқ вазифалар юзасидан ўз қарашларини баён этди. Бу, аввало, Туркистонга тааллуқли эди. Сталиннинг фикрича, “...Туркистон фақатгина Шарқ билан боғлиқ миллатлардан ташкил

топгани учун эмас, балки ўз жўғрофий жойлашувига кўра, Шарқнинг қок юрагига ёриб киргани учун ҳам Шарқни инқилоблаштириш нуқтаи назаридан энг муҳим республикадир... Айнан шунинг учун Туркистонда омманинг маданий савиясини кўтариш, давлат аппаратини миллийлаштириш ва ҳоказога эътиборни қаратиш зарур. Биз бу масалани нима қилиб бўлса ҳам, кучимизни аямасдан, қурбонлардан кўрқмасдан амалга оширишимиз керак”¹.

1923 йилнинг кузида Сталин ғояларини амалга ошириш учун жадал иш бошлаб юборилди. Москва Ўрта Осиёда тил ва бошқа этник белгилар бўйича ўзаро яқин бўлган катта-катта гуруҳларини бирлаштирадиган давлат тартиби керак, фақат шундагина бу ерда советлаштириш жараёнини муваффақиятли ўтказиш ва Шарқ томон бундан кейинги босқинчилик учун замин ҳозирлаш мумкин, деган хулосага келишди. 1924 йилнинг бошларига келиб, Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши масаласи ҳал этиб бўлинган эди.

Совет давридаги барча тарихий манбаларда 1924 йилги миллий давлат чегараланиши халқларнинг эркин иродаси ва коммунистик партиянинг миллий сиёсати тантанаси деб кўрсатилган эди.

Янги миллий давлат тузилмалари билан боғлиқ масалаларнинг муайян ечими Москвадаги кабинетларда ҳеч ким билан маслаҳатлашилмасдан ҳал этилган.

Москва Сиёсий бюрого минтақанинг сиёсий ва жамоат арбобларидан келиб тушган таклифларнинг аксарият қисмини рад этди. Улар орасида ўзбек-тожик, қозоқ-қирғиз ва туркман этномаданий гуруҳларини бирлаштирадиган учта республика ташкил этиш, Бухоро ва Хоразм республикаларини сақлаб қолиш ва бошқа таклифлар ҳам бор эди. Бироқ Кремль ҳақиқий мустақиллик ҳеч қачон бўлмайди, деб ўйлагани учун ҳам, бу мавзу муҳокамадан олиб ташланди.²

1923 йил 25 сентябрда РКП(б) МҚнинг сиёсий бюроси, шу йилнинг 9 ва 11 октябрда РКП(б) МҚ Ўрта Осиёда миллий чегараланиш масаласини

¹ Сталин И.В. Асарлар. 5-жилд. Б.329

² Bennigsen F., Lemercier — Quelqejay Ch. The Evolution of the Muslim Nationalities of the USSR and their Linguistic Problems. London. 1961.

кўриб чикиб, бу масалани расмийлаштириш ҳақида қарор чиқарди. Мазкур қарор СССР МИК томонидан 1924 йил 14 октябрда тасдиқланди.

Миллий чегараланиш натижаларига кўра, Ўрта Осиёда Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Социалистик республикалари, Ўзбекистон таркибида Тожикистон автоном республикаси (1929 йилгача), РСФСР таркибида Қарақирғиз (Қирғизистон) автоном вилояги, Қозоғистон АССР ва Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилди.

1925 йил 13 февралда эса Бухородаги халқ уйида умумўзбек советларининг биринчи қурултойи очилиб, унда “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги тўғрисида Декларация қабул қилинди. Қурултойда Ўзбекистон ССР советлари МИК раиси лавозимига Йўлдош Охунбобоев, ЎзССР ҳукумати - Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси лавозимига Файзулла Хўжаев тайинланди.

Ташкил этилган янги ЎзССРнинг пойтахти 1925 йил апрелига қадар Бухоро, 1925 йил апрелидан 1930 йил охиригача Самарканд, 1930 йилнинг охиридан эса Тошкент шаҳри деб белгиланди ва Тошкентга кўчирилди.

1924 йилнинг 12 июнида РКП (б) МК Сиёсий бюроси Ўрта Осиё республикалари (Туркистон, Бухоро ва Хоразм) нинг миллий чегараланиши тўғрисида қарор қабул қилди. Мана унинг матни:

“Бухоро ва Туркистон Марказий Комитетлари ва Халқ комиссарлари кенгашлари таклифларига асосан: а) Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг туркманлар яшайдиган қисмларидан мустақил Туркменистон республикаси; б) Бухоро ва Туркистоннинг ўзбеклар яшайдиган қисмларидан мустақил Ўзбекистон республикаси; в) Хоразм республикаси, туркманларни ажратиб чиқарган ҳолда, илгариги ҳудудларида қолдирилсин”. Туркистоннинг қозоқлар яшайдиган туманлари бирлашиб, Қозоғистон автоном вилояти таркибига кирди, ташкил этилган Қирғизистон АССР бевосита РСФСР таркибига кирди, Тожикистон автоном вилояти шу вақтнинг ўзида республикага айлантирилди (Ўзбекистон ССР таркибида).¹

¹ “Национальная политика КПСС в действии”. 1979, Б.131.

Ўрта Осиё халқлари тақдирини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжат халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ноқонуний эди. 1920 йилнинг 8 октябрида эълон қилинган Бухоро халқ совет республикаси 1924 йилнинг 19 сентябрь куни Бухоро социалистик совет республикасига айлантирилди. 1920 йилнинг 26 апрелида эълон қилинган Хоразм халқ совет республикаси 1923 йилнинг 20 октябрида Хоразм социалистик совет республикасига айлантирилди. Бироқ Бухоро ва Хоразм республикалари РСФСР таркибига ҳам, СССР таркибига ҳам кирмас эди.

1925 йилнинг 19 февраль куни Москва Қозоғистон АССР таркибида Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этишга қарор қилади. 1930 йилнинг 20 июль куни вилоят РСФСР таркибига ўтказилади, 1936 йилнинг декабрида автоном республика сифатида Ўзбекистон таркибига киритилади.

1923 йилнинг 14 октябрь куни мамлакат ҳокимиятининг ўша вақтдаги олий органи — СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Ўрта Осиёдаги миллий давлатлар янги тил-этник белгиларига кўра ташкил этилгани тўғрисида қарор қабул қилди. Гарчи ушбу ҳужжат Марказий Ижроия қўмитанинг бошқа ҳужжатлари сингари қонун кучига эга бўлса-да, улар партия қарорларининг номигагина расмийлаштирилиши эди.

Минтақада ташкил этилажак давлатларга қайси этнослар ўз номини бериши мумкинлиги, уларнинг давлатчилик даражаси қандай бўлиши ишнинг бир қисмигина эди. Энг қийин муаммо янги, илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган давлат тузилмалари ўртасида чегара ўрнатиш эди. Этник тарқоқлик ва кўчманчи аҳолининг чегаралари тез-тез ўзгариб туриши муаммони янада мушкуллаштирарди. Масалан, Хўжандни Тожикистон таркибига кўшиш ҳам шундай баҳона билан оқланган эди. Тошкент атрофида кўплаб қозоқлар яшаши асос қилиниб, уни Қозоғистонга бериб юбориш масаласи жуда фаол муҳокама қилинган эди.¹

Ўз навбатида, ғарблик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Москва 1924 йили келгусида турли этнослар ўртасидаги зиддиятга пойдевор ҳозирлаган эди.

¹ Қаранг: Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.119

Турли илмий манбаларда Ўрта Осиёдаги миллий давлат чегараланиши Кремлнинг зарарсизлантирилмаган минаси, Кремл хаританависларининг ёвуз режалари деб тавсифланади: сталинча миллий сиёсатнинг болғаси ўзи мажаклаб ташлаган цивилизация харобалари ўрнида янги миллатларни ясади.

Ўша йилларда Москва Ўзбекистонни Осиёдаги ўзига қарам куч маркази деб биларди. Бу ғояни 1925 йилнинг феврида СССР Марказий ижроия қўмитасининг раиси М.Калинин Ўзбекистон компартиясининг Бухорода бўлиб ўтган биринчи қурултойи делегатларига қарата айтган қуйидаги сўзларида ифода қилган эди: “Ўзбекистон улкан маданий потенциал, техник имкониятлар, Шарқнинг бой шаҳарлари ва инсон ресурсларига эга бўлиб, Урта Осиёда катта, айтиш мумкинки, гегемон роль ўйнаши керак...”¹.

Бироқ 20-йилларнинг охирига келиб, Ўрта Осиёда сиёсий вазият ўзгара бошлади. 1929 йили Тожикистон иттифоқдош республика бўлади ва Ўзбекистондан ажратилди. Ўзбекистондан Тожикистонга Хўжанд шаҳри ва у билан бирга 8 минг кв.км. ҳудуд ажратиб берилди. 1930 йилда Ўзбекистон пойтахтининг Самарқанддан Тошкентга қўчирилиши ҳам Москванинг ушбу сиёсий қарори билан боғлиқ. Партиянинг ўша вақтдаги баъзи бир ҳужжатларида бундай қарор қабул қилинишига босмачилик (“Истиқлолчилар ҳаракати”)га қарши жуда кескин кураш билан боғлиқ муаммолар сабаб қилиб кўрсатилган.

Шу билан биргаликда, бу ўзгариш Файзулла Хўжаев ва Бухородан чиққан бошқа амалдорлар ҳокимият тепасида турган вақтида керагидан ошиқча мустақил иш кўра бошлагани сабабли Ўзбекистоннинг жilовини тортиб қўйиш учун қилинган, дейишга асос бор. Ўша пайтда Ўзбекистоннинг сиёсий уфқида Тошкент гуруҳи вакиллари А.Икромов ва У. Юсуповлар пайдо бўлган эди.

Айрим олимлар, совет ҳокимияти ўзбек ва тожик миллатларини сунъий тарзда ясаган, деган фикрни билдиришади. Улар ҳозирги кунда ўзбеклар ҳақида шаклланиб бўлган этнос деб ишонч билан айтиш мумкин, бироқ улар худди шундай ишонч билан совет тожикларини ягона миллат деб атаб бўлмайди, дея

¹ М. Калинин. Танланган асарлар. — М. 1960. 1-жилд. Б.630.

ҳисоблашади.¹

1924 йили Ўрта Осиёда амалга оширилган миллий- давлат чегараланиши минтақани бундан буён советчасига мустамлака қилиш борасида Москва эришган улкан муваффақият бўлган эди. Бу ҳол Кремлнинг етги ухлаб тушига ҳам кирмаган тарихий оқибатларга олиб келди. Ўрта Осиё совет республикаларида миллий сиёсий ва маданий элита шаклланиши, миллий онгнинг давлат ватанпарварлиги савияси ошиши учун шарт-шароит яратилди. Москванинг иродаси билан ташкил топган ярим давлатлар орадан 70 йил ўтиб, айнан у 1924 йили белгилаб берган чегараларда мустақил бўлишди.

1.2. 1926 йил: Фарғона водийси мисолида районлаштириш кўзгусида.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, минтақани Марказ тартибидаги мустамлака сифатида ўз таъсирини доимий сақлаб қолиш ва уни метрополиянинг хом ашё базаси ва маҳсулот бозори кўринишида янада мустақамлашга интилди. Марказий районлаштириш комиссияси томонидан 1926 йил 29 сентябрда Ўрта Осиёда маъмурий-иқтисодий районлаштириш ўтказилиб, вилоятлар ўрнига округлар, уездлар ўрнига районлар тузилди. Районларда қишлоқ советлари сони эса кўпайди.

Ўзбекистон ССР таркибидаги 7 та вилоят ўрнига 10 та округ ташкил этилган бўлса, уларнинг 3 таси, яъни, Андижон, Қўқон, Хўжанд округлари Фарғона водийсида жойлашган эди.

Қўқон округининг ҳудуди Хўжанд уездидаги Боғча-Исфара, Ғўлакандоз, Пистакўз, Нов, Унжи, Урал ва Чинкўли волостлари ҳудудини эгаллади. Қўқон округи чегаралари Авлиёота уездидан бошланиб, у жануб ва жануби-ғарбга томон йўналиб Қўқон округи билан Чотқол воҳасини ажратган. Бундан ташқари, Сирдарё райониғача, Сирдарё районидан

¹ Қаранг: Мирский Г. Ислам и нация: Ближний Восток и Центральная Азия. Полис. 1998. №2, С.81-82; Roy O. Tadjikistan, PresentationofUSPeace. 1992.

жанубга Туркистонгача чўзилган. Округ худуди кейинчалик: Самарқанднинг жанубий қисми ва Бухоро Республикаси, шимоли-шарқда – Фарғона областининг Фарғона ва Андижон (Норингача бўлган ерлар) уездлари ва шимолдан Еттисув областининг Пишпек уезди билан чегараланган.¹

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг Қўқон округи ҳам Ўзбекистон ССРнинг Фарғона области таркибига киритилди. Фарғона области таркибига Қўқон, Андижон, Наманган, Фарғона уездлари киритилди.² 1926 йил ўрталарида яъни, Ўрта Осиёда районлаштириш комиссияси томонидан Фарғона областида 19 та район, 417 та кишлоқ совети тузиш режалаштирилди. Районлаштириш ўтказилгандан сўнг Хўжанд округи билан қўшиб ҳисоблаганда, 28 та район, 565 та кишлоқ совети тузилди. Жумладан, Қўқон округида қуйидаги 11 та район тузиш режалаштирилди ва амалга оширилди: Олтиариқ, Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Қўқон, Қува, Кудаш, Марғилон, Чуст. Риштон ва Фарғона.³

Районлаштириш комиссиясининг маълумотларига қараганда, Қўқон округининг худуди анча қисқарди (1924 йилга нисбатан). Округнинг умумий майдони 9.641 квадрат вёрстани ташкил этиб, аҳолиси 654.236 нафарни ташкил этган⁴. Округ худуди шимол ва жанубдан Қирғизистон, ғарбдан Хўжанд округи ва шарқдан эса Андижон округи билан чегараланган⁵.

Қўқон округининг этник таркиби асосан, ўзбеклардан иборат бўлиб, улар умумий аҳолининг 81% ни ташкил этган. Округ бўйича кишлоқ аҳолисини 85%ни ўзбеклар, 8,6% ни тожиклар, 2,3%ни қирғизлар, 2,1%ни қорақалпоқлар ва бошқа турли миллат вакиллари ташкил этган бўлса, шаҳар

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й. Проект административно-хозяйственного деления ТССР. Под редакцией Председателя Комиссии по районированию Д.П.Красновского. –Т.:Изд ТЭС, 1924.-с.131-132

² Список населённых мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск III. Ферганская область.- Самарканд: Изд. ЦСУ УзССР, 1925.-С.14.

³ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. -Самарканд: Изд.ЦК РУз, 1926. -С.108

⁴ Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 33-варак

⁵ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. -Самарканд: Изд.ЦК РУз, 1926. -С.109

аҳолиси 68,9% ўзбеклар, 14,2% руслар, 9,2% тожиклар ва бошқа турли миллат вакилларидан иборат бўлган¹.

Жумладан, Қўқон округида савдо алоқалари ҳам ўзига хос равишда олиб борилган. Маъмурий марказлаштириш Марказ талаблари билан олиб борилган бўлса-да, аҳоли турмуш тарзига ижобий таъсир этган томонлари ҳам бўлди. Округда аҳоли савдо ишларини юритиш ва истеъмол эҳтиёжларини кондиритиш мақсадида марказий шаҳар бозорлари ва қишлоқ бозорлари фаолият юритган. Маалан, Риштон, Бешариқ, Лайлакхона, Қува, Яйпан, Чодак ва бошқа шунга ўхшаш 38 та қишлоқ бозорлари бор эди. Асосий йирик шаҳар бозорлари эса Қўқон, Фарғона, Марғилон ва Чуст каби водийнинг йирик шаҳарларида жойлашган эди².

Округда 5499 та савдо шохобчалари бўлиб, уларнинг 137 таси давлатга қарашли, 237 таси тижорат ва 5125 таси хусусий эди.³

Ўзбекистон ССРла ўзига хос ўринга эга бўлган Хўжанд округининг умумий ҳолати қуйидагича бўлган. 1926 йилда Ўзбекистон ССР районлаштириш комиссиясининг маълумотларига қарганда, округ таркибига Хўжанд уездининг волостлари, Самарқанд областининг Урал, Унжи, Пистакўз волостлари, Гўлакандоз волостининг Гўлакандоз, Говхона, Янгичипроқ, Ўзбекқишлоқ, Доғмой ва Қазноқ қишлоқлари, Боғча-Исфара волостининг бир қисми, Фарғона областининг Конибодом райони, Наманган уездининг Ашт райони ва Бешариқ районларининг Потар қишлоғи киритилиши режалаштирилган.⁴

Марказнинг районлаштириш бўйича тузган комиссиясининг расмий маълумотларига қараганда, Хўжанд округи шимолдан Тошкент округи, шарқдан Қўқон округи, жанубдан Қирғизистон, ғарбдан бир қисми

¹ Ўша манба .-С.111

² Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II. Проект административно –хозяйственного деления ТССР .Под редакцией Председателя Комиссии районированию Д.П.Красновского. –Т.:Изд ТЭС, 1924.- С.111-112

³ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. -С.110-111

⁴ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. -Самарканд: Изд.ЦК РУз, 1926. -С.98

Тожикистоннинг Ўратепа вилояти, бир қисми эса Тошкент округи билан чегараланган.

Расмий маълумотларга қараганда, округнинг умумий майдони 5.872 квадрат верстани ташкил этиб, аҳоли зичли бўйича 1 квадрат верстага 30 нафарга тўғри келган¹. Аҳолининг 38%и (66796) шаҳарларда, 62%и (109759) эса қишлоқларда истиқомат қилишган. Хўжанд округи этник таркибини асосан, ўзбеклар ва тожиклар, қисман қирғизлар, руслар, қипчоқлар ва бошқалар ташкил этган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўзбеклар округда катта маъқега эга бўлганлар. Округ аҳолиси қишлоқ хўжалик соҳасида боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Деҳқончиликда пахта, шоли, маккажўхори етиштирилган. Хўжанд ва Конибодом районларида боғдорчилик билан жуда кенг шуғулланишган. Умумий экин майдонининг 3997 десятина*си боғлар, 838 десятинаси узумзорлар бўлган. Округдан йилига 770 минг пуд** турли хил мевалар, 146 минг пуд узум ва 484 минг пуд куруқ мева Хўжанд станциясидан Марказга юборилганидан билишимиз мумкинки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларин етиштириш жуда яхши йўлга қўйилган.

Округда асосий савдо маркази Хўжанд шаҳри ҳисобланган. Бундан ташқари Конибодом, Исфара, Шайдон шаҳарларида, Қуйи Аштда асосий савдо бозорлари фаолият юритган. Шунингдек, иккинчи даражали бозорлар ҳам бўлган. Масалан, Пистакўз, Ғўлакандоз, Қамишқўрғон ва бошқалар.²

Ўзбекистон ССРнинг районлаштириш комиссияси томонидан Хўжанд шаҳри округнинг иқтисодий-маданий жиҳатдан ягона маркази сифатида танланган. Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан округдаги 9 волост ва 47 қишлоқ совети ўрнига, 3 та район ва 57 та қишлоқ совети, уларнинг 18 таси ўзбеклар, 37 таси тожиклар ва 2 таси турли миллат

¹ Ўша манба.-С.99

*

**

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. -Самарканд: Изд.ЦК Р Уз, 1926;-С.100

вакиллари яшайдиган қишлоқ советлари тузилиши режалаштирди ва амалга оширилди.¹

Марказий районлаштириш комиссиясининг расмий маълумотларига қараганда, Андижон округи шимоли-шарқда ва жануби-шарқда Қирғизистон автоном области билан, ғарб ва жануби ғарбда эса Қўқон округи билан чегараланган. Округнинг умумий майдони 6.427 квадрат вёрстни ташкил этган бўлиб, таркибига қуйидаги 12 та район киритилган: Косонсой, Янгиқўрғон, Шўрқўрғон, Норин, Избоскан, Балиқчи, Шахрихон, Асака, Аравон (Марҳамат), Андижон, Жалолқудук ва Қўрғонтепа.

Маълумотларга кўра, округда 866 та аҳоли пунктлари (манзилгоҳ), хўжаликлар сони 130.420 та бўлиб, округ аҳолисининг умумий сони эса 724397 кишини ташкил этган. Аҳолисининг 566058 нафари қишлоқ, 158339 нафари шаҳар аҳолиси ҳисобланган. Аҳолининг этник таркибини 72,6% ни ўзбеклар, қолган қисмини қирғизлар (7,9%), қипчоқлар (5,2%), уйғурлар (3%), қорақалпоқлар (1,8%), тожиклар (1,2%), руслар (1,1%), қурама (0,4%) ва бошқа элат вакиллари ташкил этган. Округ бўйича аҳоли зичлиги 1 квадрат вёрстага 112 кишига тўғри келган. Аҳолининг саводхонлик даражаси турли ҳудудларда турлича бўлган.²

Округ ҳудудида расмий маълумотларга кўра, 48 та бозор фаолият юритган бўлса, энг муҳимлари Андижон ва Наманганда жойлашган эди. Кучли иқтисодий марказий бозор Асака бозори ҳисобланган. Округда битта давлатга қарашли, 237 та тижорат ва 3843 та хусусий савдо шаҳобчалари фаолият кўрсатган.

Андижонда темир йўл фаолияти ҳам ўзига хос йўлга қўйилган эди. Округ ҳудудларидан 2 та темир йўл ўтган бўлиб, биринчиси Қўқон округининг шимоли-шарқидан бошланиб, округ жануби-шарқи орқали Қирғизистонга йўналган. Иккинчи йўналиш ҳам Қўқон жануби-шарқидан бошланиб, Андижон шаҳрида тугаган. Округ ҳудудида 12 та станция бўлиб,

¹ Ўша манба, -С.102

² Ўша манба, -С.107

улар қуйидагилар эди: Хонобод, Қорасув, Қўрғонтепа, Гурунчмозор, Андижон II, Андижон I, Асака, Ҳаққулобод, Тўқай, Пойтуғ, Учқўрғон ва Наманган¹. Андижон шаҳри округнинг иқтисодий ва маданий маркази бўлган.

Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан округдаги 36 та волост ва 226 қишлоқ совети ўрнига, 12 та район ва 289 қишлоқ совети (162 таси ўзбеклар, 17 таси қозоқлар, 16 таси қирғизлар, 8 таси тожиклар, 3 таси уйғурлар, 1 таси қурама ва рус, қолган 70 дан ортиғида турли миллат вакиллари яшайдиган қишлоқ советлари) тузиш режалаштирилди ва амалга оширилди.

Хуллас, 1926 йилда Ўрта Осиёда амалга оширилган маъмурий иқтисодий районлаштириш Фарғона водийсида ўзига хос равишда Марказ манфаатларига бўйсундирилган ҳолда амалга оширилган. Тарихий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, районлаштириш сиёсати натижасида водийда ташкил этилган Қўқон, Андижон ва Хўжанд округлари нафақат Ўзбекистон тарихида, қолаверса жаҳон тарихида ҳам ўзига хос маданий, иқтисодий марказлардан бири бўлиб келган.

Мустақиллик тақозосига кўра, ватанимиз тарихининг оғир мустамлакачилик ўтмиши билан боғлиқ бўлган аянчли саҳифаларига қайта баҳо бериш алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

70 йилдан зиёд ижтимоий онг-шууримизга коммунистик режимнинг Ўрта Осиёдаги фавқулудда «цивилизаторлик вазифаси» тўғрисидаги, ўлканинг «қолоқ» халқлари марказнинг давлат бошқаруви натижасида гўё «зўр муваффақиятлар»га эришганлиги ҳақидаги афсона астойдил тарғиб этилди. Лекин совет террорчилик тузуми ҳақиқатда чор мустабид тартиботининг империяча-мустамлакачилик анъанаси давом эттирилишидан иборат бўлганлиги зўр бериб бўяб кўрсатилди. Ўша йилларда ўлканинг табиий хом ашё бойликлари тўхтовсиз ташиб кетилди, ўзбек халқининг кўп

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. -Самарканд: Изд.ЦК Р Уз, 1926;-С.131

минг йиллик миллий-маданий бойлиги талон-тарож қилинди ва маънавий асоратга солиш сиёсати амалга оширилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, совет давлатининг инқирози тарихан шарт бўлганига қарамасдан ҳозирга қадар совет тузумидан кейинги ҳудудларда империяча Иттифоқни ва собиқ мустабид тузумни тиклаш умидидан воз кечмаган кучлар сақланиб қолганлиги, коммунистик тузумнинг сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлигини тиклашга уринишларнинг мавжудлиги айрим кишиларнинг, хусусан ёшларнинг хали пишиб етилмаган онг-шуурига таъсир этиб, мамлакат мустақиллигига реал хавф туғдиради.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА БОШҚАРУВИ

2.1. СССРда совет бошқарувининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон ССР дастлабки кунлардан бошлаб миллий давлат қурилиши ва бошқаруви қатъий совет андозаси доирасида, синфий қарама-қаршиликка асосланган компартиянинг кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари, топшириқ асосида олиб борилди. Ташкил топган кунлардан бошлаб тузилмалар суверенитет ва мустақилликдан батамом маҳрум эдилар. Улар аслида собиқ СССРнинг маъмурий - иқтисодий районлари даражасига туширилган бўлиб, уларга асосан Марказнинг манфаатларига хизмат қилиш, хом ашё етиштириш каби вазифалар аниқ қилиб белгилаб берилган эди.

Совет ҳокимияти ҳукм сурган деярли бутун давр мобайнида мамлакат типик кўринишдаги тоталитар режим бўлиб қолаверди. “Қатта энциклопедик луғат”нинг “Совет Иттифоқи” мақоласида шундай дейилган: “1920-йилларнинг ўрталаридан Коммунистик партия давлат тузилмаларини ўзига тўла бўйсундириб олди. Мамлакатда тоталитар, қатъиян марказлаштирилган ва ҳарбийлаштирилган тизим яратилди, унинг мақсади мамлакатни модернизациялаш ҳамда бошқа мамлакатлардаги коммунистик ва сўл экстремистик ҳаракатларни қўллаб-қувватлашдан иборат эди. Жамиятнинг

барча қатламлари оммавий қатағонга дучор бўлди”¹.

СССРдаги социалистик (реал социализм, етук социализм, ривожланган социализм) деб эълон қилинган ижтимоий тузум ҳақиқатда эса, - ижтимоий ҳаётнинг барча (моддий, ижтимоий, маънавий, ахборот) соҳалари устидан тўла назорат, давлат мулки яккаҳоқимлиги, буйруқ билан марказлаштирилган режалаштириш, бедодлик, қонунсизлик, ўзгача фикрлашларга нисбатан тоқатсизликни авж олдирган зўравонлик ва оммавий қатағон механизмига таянувчи партия-давлат аппарати юқори қатлами диктатураси бўлган эди.

Марксизмни ўзига мафкуравий қурол қилиб олган большевизм уни доғмалаштириб ва вульгарлаштириб, ижтимоий адолат, эркинлик ва тенглик қоидаларини ифодаловчи идеал ижтимоий тузумга бўлган ишончни илмий асос сифатида коммунистик тоталитаризм хизматига йўналтирди.

Коммунизм ўзбек халқи менталитетига, миллий табиатига ёт эди. Ўзбеклар учун у бегона, рус ҳодисаси эди. Коммунизм Россияда кўпроқ рус халқининг миллий характери, унинг ўзини ўзи уюштириш ва ўзини ўзи интизомга солиш қобилияти заифлиги, жамоавийликка мойиллиги, олий ҳокимият олдида итоаткорлиги, ҳар қанақа сафсатабозлар ва муттаҳамлар таъсирига осон берилиши, ҳаётини неъматларга ўз ғайрат-шижоати, ижодкорлиги, ташаббускорлиги, таваққалчилиги маҳсули эмас, балки тақдир туҳфаси ёки илоҳий неъмат деб қарашга одатлангани туфайли муваффақиятга эришди”².

Партия аппарати давлатчиликнинг бир қисми, айти маҳалда алоҳида қисми эди. Биринчидан, у бутун ҳокимият тизимининг ўзаги, қовурғаси эди. Иккинчидан, ҳокимиятнинг қолган барча ҳокимият устидан ҳукмронлик қилувчи қисми, яъни ҳокимият устидаги ҳокимият эди. Ҳокимият ва жамият бошқарувининг бутун тизими партия аппарати назорати остида бўлиб, амалда унинг давоми ва шохобчаси эди. Кадрлар масаласида ва жамият ҳаётининг бошқа муҳим масалаларида ҳокимият шохобчалари деб аталмиш (қонун

¹ БЭС.-М., 1998. Б.1133-1134.

² Зиновьев А. Гибель империи зла. Очерк российской трагедии. — Социс. 1994. 10-сон, Б.68.

чиқарувчи, ижро этувчи, суд) тузилмалар партия аппарати қўлида қўғирчоқ эди.

Ўзбекистон Марказдаги партия ва совет ташкилотларига тўла қарам бўлиб, унинг раҳбарияти қабул қилган қарор ва директиваларини, республиканинг ички ҳаётига оид бўлган кўрсатмаларни бажаришга мажбур этилган эди. Советлар давлатининг сиёсий тизимида синфий мафкурага таянган коммунистик партия мутлақ ҳукмрон эди.

1924 йилги Конституция СССРни федерал давлат сифатида таъсис этганди. Ишнинг моҳияти давлат қандай ташкил қилинганида эмас, балки коммунисток партия қандай тузилганида эди. Унда эса федерализмдан номнишон йўқ эди. Совет Иттифоқи империя бўлганмиди? Собик совет республикаларини мустамлакалар деб аташ қонунийми? Агар ҳодисанинг шакли эмас, моҳияти ҳақида гапирилса, барча иттифоқдош республикалар, шу жумладан Россия Федерацияси ҳам сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум эди ва, шу маънода, мустамлака давлатлар эди. Бироқ бу империя ўзига хос бўлиб, жаҳон тарихида унинг ўхшаши йўқ эди. Унда метрополия бирон-бир давлат эмас, балки КПСС МК аппарата жойлашган Москвадаги Старая площадь эди. Чиндан ҳам, миллий республикалар ҳаёти бутун икир-чикиригача ўтакетган мунофиқлик билан ўзини байналмилал деб атаган партиянинг айнан ана шу юқори доиралари томонидан дастурлаштириб қўйиларди.

Давлат бошқаруви ва тизими органлари ҳамда жамоат ташкилотлари партия аппаратининг тазйиқи билан аста-секин унинг зулми остида қолиб, партия қарорларининг оддий ижрочиларига айланиб бордилар.

Республика давлат бошқаруви органлари иттифоқ органлари тартибида ва улар андозасида тузилди. Бу иттифоқдош республикаларни Марказдан туриб бошқаришнинг энг осон ва энг мустаҳкам шакли эди. Шунингдек, коммунистлар томонидан маҳаллий ҳокимият органлари ва уларнинг аппарати вужудга келтирилди, янги маъмурий-худудий бўлиниш амалга оширилди. Аввалги республикаларнинг вилоят бўлинишидан округ бўлинишига (1938 йилгача) ўтилди, кейин эса яна вилоят бўлинишига қайтилди, туманлар ва қишлоқ кенгашларининг кенг тармоғи тузилди.

Маълумки, 1927 йилда Ўзбекистон ССРнинг биринчи Конституцияси ва 1937 йилда иккинчи Конституцияси қабул қилинган эди.

Совет империясининг ижтимоий институтлари тўғрисида мажозий мулоҳаза юритиладиган бўлса, империяча онг ғоят жўн эди. Гарчи Россия империясидан фарқли равишда Совет Иттифоқида юридик жиҳатдан бегоналар бўлмаса-да, рус халқи мамлакатдаги бошқа барча халқлар оғаси мақомига эга эди. Бу ҳол тил-маданият соҳасида ва айниқса кадрлар соҳасида аниқ намоён бўлди. Масалан, Ўзбекистон раҳбари ёки иттифоқдош республика раҳбари шу давлатга ном берган миллат вакили бўлса, унинг ўринбосари албатта рус бўлиши кераклиги ҳаммага аён эди. Шунчаки рус эмас, балки Москвадан тайинланган рус бўлиши керак эди. Совет ҳокимияти мавжуд бўлган бутун давр мобайнида партия олий раҳбарияти таркибига фақат икки узбек кирганди, яъни давлатга жамоа бўлиб сиёсий раҳбарлик қилиш деб аталган ишга реал жалб этилганди.

1957—1961 йилларда Нуритдин Муҳиддинов КПСС МК Президиуми аъзоси бўлганди, бироқ Ўзбекистон раҳбари сифатида эмас, балки ўша йилларда ўзи эгаллаб турган КПСС МК котиби сифатида аъзо бўлганди. 1961 йилдан 1983 йилгача Шароф Рашидов КПСС МК Президиуми, сўнг Сиёсий бюроси аъзолигига номзод бўлди. Ўзбек халқининг бу иккала вакили ҳам Сиёсий бюрода иккинчи ролда бўлган.

Сиёсий бюро миллий республикаларни қай тариха бошқарар эди? Бу ҳақда тўхтовсиз ёзиш, кўплаб далилий материаллар ва статистик маълумотлар келтириш мумкин. Бироқ ҳаётда шундай мисоллар ҳам бўлардики, улар ҳақиқатни тўлақонли жадваллар ва таҳлилий шарҳпарга қараганда ишонарлироқ кўрсатади ва исботлайди. Иккита шундай мисолни кўрайлик. 1986 йил декабрда Сиёсий бюро ақл-заковати ўртача бўлган амалдор Геннадий Колбинни, яъни ҳеч қачон Қозоғистонда ишламаган, Ульяновск вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби бўлиб турган одамни Қозоғистоннинг раҳбари этиб тайинлади. Қозоқ сиёсий элитаси вакиллари билан бу тайинлаш олдиндан келишилмади. Аини шу Сиёсий бюро 1989 йилда Ўзбекистон раҳбарлигига ноёб иқтидорли

етақчи Ислом Каримовнинг келишига тўсқинлик қилишга интилди.

Аксилмарказлаштириш ва федерализм горбачевча қайта куриш даврида ҳам Москва томонидан инкор қилиб келинди. Даставвал бу муаммолар мамлакат раҳбарлари онгидан жой олмаганди. Бирок; иттифоқдош республикалардаги воқеалар жараёни — 1986 йил декабрда Олмаотада бўлиб ўтган миллий ғалаён, Қорабоғдаги зиддиятнинг кучайиши, Сумгаит ва Бокудаги этник негиздаги қирғинбарот, Болтиқбўй давлатлари томонидан ташкил қилинган суверенитетлар паради уларни кескин кўндаланг қўйди. 1989 йил сентябрга келибгина КПСС МК Пленуми миллий масалани кўришга киришди. Бир неча йиллар ўтгач, Горбачёвнинг ўзи тан олганидек, миллий масала ечими ҳаддан ташқари кечиккан эди.

2.2. ўзбекистонда давлат қурилиши: ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. Пахта эксансияси.

Марказнинг кўрсатмаси билан Ўзбекистонда биринчи навбатда пахта тозалаш, ёғ-мой ишлаб чиқариш, ипакчилик, тўқимачилик, виночилпк, мева консерваларини тайёрлаш соҳаларини ривожлантиришга эътибор қаратилди. Манбаларга кўра 1928-1932 йиллар (биринчи беш йиллик) давомида республикада 289 та саноат корхоналари ишга туширилган.

Ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш авж олди. 1925-1929 йиллар давомида республикадаги бойлар, савдогарлар ва руҳонийларнинг 45 мингга яқин хўжалиги батамом тугатилди. 1930 йил 30 январда ВКП (б) МҚнинг “Ёппасига жамоатлаштириш туманларида кулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида” қарор қабул қилиниб мазкур қарор асосида бой-кулоқ хўжаликлари ёппасига жамоатлаштирилаётган туманлардан бошқа худудларга кўчирилди, мол-мулклари мусодара қилинди.

Шу тариқа, 1930-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистонда тоталитар (лот.: бутунлик, тўлалик, тўла) тузум деярли қарор топди.

Партиянинг роли ва мавқеи шу даражада кучайтирилган эди-ки, давлат органлари ва ҳатто жамоат ташкилотлари ҳам унинг измига бўйсундирилди. Олимларнинг эътироф этишларича, мустабид тузум 1917 йилги октябр тўнтариши натижасида 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида халқ устидан зуравонлик қилиш билан сақланиб турди. Бу даврда ўзбекистонликларнинг бир неча авлодлари куч-ғайрати билан бир қадар иқтисодий ва маънавий салоҳияти яратилиб, илм-фан ва техника тараққиёти юз бериб, кўплаб кашфиётлар қилинган бўлса-да, уларнинг барчасига ўзбек халқининг жуда катта зўр бериши ва мислсиз меҳнати эвазига эришилди.

1923 йил апрелида РКП(б) XII съездида “Партия ва давлат қурилишидаги миллий жиҳатлар тўғрисида” қилинган маърузада: “Бизнинг республикалар Иттифоқимизга бутун Шарқ тажриба майдониغا қарагандай қараб турибди. Ё биз шу Иттифоқ доирасида миллий масалани амалий нуқтаи назардан тўғри ҳал қиламиз ва унда бутун Шарқ бизнинг федерация сиймосида озодлик байроғига эга эканлигини кўради ва бу жаҳон империализми инқирозининг бошланиши бўлади. Ёки биз хатога йўл қўямиз, аввал эзилган халқлар ишончини йўқотамиз, Республикалар Иттифоқининг Шарқнинг назаридаги жозиба кучини олиб қўямиз ва у ҳолда империализм ютиб чиқади, биз эса ютқазамиз”, дея баён қилинганди.

Ўзбекистондаги советча иқтисодий модернизацияси мамлакатни техникавий тараққиётга, машина меҳнатига анча тез жалб қилди. Аини маҳалда республика ўзига хос табиий тадрижий йўлдан, ички шароит ва қонуниятлар орқали ривожланиш имкониятига эга бўлмади. Моделлар, дастурлар, муддатлар ўзбек жамияти ривожланишида юзага келган анъаналар ва табиий тамойилларга зид равишда ташқаридан зўрлаб киритилди.

Ўзбекистонда модернизациялаш цивилизациялар, уларнинг унсурлари тўқнашувини билдирар, темир ерга қарши борар, бир маданият вакили бўлган кишилар бошқа маданият кишиларига ўз иродасини ўтказмоқчи бўларди. Бу — бир бало-қазо, инсоний қурбонларни талаб қилувчи даҳшатли, ебтўймас куч эди. Бошқа миллий республикалардаги каби, Ўзбекистонда ҳам, модернизациялаш

Москванинг сиёсий амрига қатъий мувофиқ колда олиб борилди. Башарти, ўзбек халқининг миллий манфаатлари Москвани қизиқтирган бўлса, тизимнинг стратегик манфаатларига мос келган даражада, унинг мафкуравий ақидаларига жавоб берган даражада қизиқтирди. Бунда, бошқа миллий минтақалар сингари, Ўзбекистонга ҳам уни марказга ва бошқа республикаларга ўнлаб йилларга боғлаб қўйган меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув тикиштирилди.

1929 йилдан беш йилликлар бўйича мўлжалланган, мамлакат ва одамларни тубдан қайта ўзгартишга қаратилган қудратли кампаниялар — индустриллаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ўтказила бошланди. Совет ҳокимиятининг сўнгги нафасигача Ўзбекистонда Москванинг, Иттифоқ министрликлари ва идораларининг қонунлаштирилган ўзбошимчалиги давом этиб келди, улар маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий-маданий эҳтиёжлар ва манфаатларни назар-писанд қилмасди. Натижада жойларда зиён кўрадиган иқтисодиёт тузилиб, иш олиб борди. Яқин вақтдаги ана шундай мисоллардан айримларини келтириб ўтамиз. Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий вакилининг 1962 йилги ахборотида айтилишича, йил давомида Иттифоқ органларига ЎзКП МК ва ЎзССР Министрлар Советидан республикадаги хўжалик ва маданий қурилишнинг турли, кўпроқ хусусий, ғоят маҳаллий масалалари бўйича 1953 тавсия келиб тушган. Улардан 1081 таси, шу жумладан 910таси ижобий, 113 таси салбий тарзда кўриб чиқилган. 38 таси муҳокамадан олиб ташланган. Ёки, бошқача айтганда, ҳал қилиш учун олий даражадаги ижозат сўралган масалаларнинг аксарияти асосли ва оқилона эканлиги шубҳа туғдирмаган. Шундай бўлса-да, на вилоятларда, на Тошкентда уларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга эмасдилар.¹

Яна бир воқелик Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштириш жараёнида янги ерда Қизилтепа районини тузиш зарурати туғилди. Билимдон мутахассислар ҳисоби бўйича, бу ушбу ерларда совхозлар тузилишини тезлаштиришгагина эмас, балки маҳаллий иссиқ минерал сувлар негизда республика миқёсидаги сиҳатгоҳни ташкил қилишга ҳам имкон берарди. Ғоя

¹ Қаранг: Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.137

Тошкентда қўллаб-қувватланди. Бироқ, республика раҳбарияти, шу жумладан Рашидовнинг барча ҳаракатларига қарамай, Москва бу илтимосни рад этди.¹

1956 йилда Ўзбекистоннинг салоҳиятли гидроэнергетика захиралари 40—45 миллиард киловат бўлгани ҳолда, Ўзбекистонда электр энергия қуввати тақчиллиги 250 минг киловатни ташкил қилди. Кўмир захираси улкан (2 миллиард тоннадан зиёд) бўлишига қарамай, уни ташқаридан келтириш йилдан-йилга ошиб борди. Хусусан, 1956 йилда 2 миллион тонна миқдорда кўмир ташиб келтирилди. Газ ва нефтдан фойдаланишнинг аҳволи бундан-да ёмон эди. ЎзКП МК IV пленумида таъкидланганидек, буларнинг барчасида қудуқлар, кўмир хавзалари ва очик қонлар қурилиши билан шуғулланаётган иттифок вазирликлари айбдор эди.²

Ўзбекистон маъданли ўғит ишлаб чиқариш бўйича СССРда учинчи ўринда турарди. Ўрта Осиёда ишлаб чиқариладиган жами кимёвий маҳсулотнинг 88,2 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келарди. Айни маҳалда республика маъданли ўғитларни, захарли кимёвий моддаларни, дефолиантларни четдан ташиб келтиришга мажбур эди.³

Дарҳақиқат, Ўзбекистон советчасига модернизациялашишдан улкан зиён кўрди ва қурбонлар берди. Энг аввало, аксарият аҳолининг турмуш даражаси кескин чекланди. Нафақат инсонлар, табиат ҳам хароб этилди.

Ўтгизинчи йилларда саноатлаштиришнинг бош йўналиши Ўзбекистонни Россияда (Москва, Ленинград, Ғарбий Сибирь, Уралда) жойлашган саноат корхоналарига асосий хомашё етказиб берувчилардан бирига айлантиришдан иборат бўлди. Бироқ Иккинчи жаҳон уруши даврида аҳвол тубдан ўзгарди. Ўзбекистонга меҳнат жамоалари билан бирга, 48 та машинасозлик, металлга ишлов берувчи, кимёвий ва оғир саноатнинг бошқа корхоналари, енгил саноатнинг 45 та корхонаси кўчирилди. Республикада унинг ўсиб бораётган саноати эҳтиёж-ларини қондириш учун ўз кўмир-металлургия базаси яратилди.

¹ Правда Востока, 1992 йил 3 ноябрь

² Правда Востока, 1992 г. 3 ноября.

³ Қаранг: Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.137-138

Умумхалқ мусибати йилларида узоқ вақт камситилиб келинган одамлар қалбида сеҳрли таёқча теккандек кўтаринкилик пайдо бўлди, асрлар давомида ўзбекларга хос бўлиб келган сабр-бардошлилик ва бағрикенглик, ҳамдардлик ва ғамхўрлик ҳисси уйғонди. Ўзбекистонга кўчирилган, у ерда оғир йилларда яшаган кўплаб одамлар Тошкент ва Самарқанд, Андижон ва Фарғонани, бир бурда нонини, бошпанасини, хонадон кўрини ўзлари билан баҳам кўрган одамларни илиқ сўзлар ила миннатдорлик билан ёдга олишган.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда бой табиий захиралар жадал ўзлаштирила бошланди. Ўзбекистоннинг уран ва олтин қазиб олиш саноати жаҳон бозорига ўз таъсирини ўтказа бошлади. Бу даврда йирик газ саноати ва электр энергетика соҳаси барпо этилди. Республика саноати техникавий жиҳатдан шундай даражага етдики, бу электр вакуум, ярим ўтказгичли, электрон ва радиотехника асбоб-ускуналарини, турли мураккаб машиналарни, дастгоҳлар ва механизмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди.

Умуман, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда саноатнинг 100 дан зиёд тармоғи барпо этилди, 1500 га яқин йирик корхона қурилди, транспорт ва замонавий алоқа воситалари жаҳон андозалари даражасида техникавий жиҳатдан жиҳозланди.

Айни маҳалда Ўзбекистонда урбанизация суръати минтақадаги бошқа республикаларга қараганда анча паст эди..

(фоиз ҳисобида)

	1926			1979
Давлатга ном берган	18,6		22	29
Қозоқлар	2,2	16	24	32
Қирғизлар	1,4	4	11	20
Тожиқлар	15,3	12	21	28
Туркманлар	1,5	10	25	32

Бу ҳолда шуни назарда тутиш зарурки, Ўзбекистонда бошланғич нуқта, айтайлик, Туркменистон ёки Қирғизистондагига қараганда бурмунча юқори бўлган. Чунки саноатлаштириш кўлами ҳам Ўзбекистонда анча кенг эди. Бую

рда гап, мураккаб ва зиддиятли омилларда эди.

Биринчидан, Москванинг иқтисодий манфаатлари билан ўзбек халқининг узок муддат кутилган манфаатлари, унинг стратегик мақсадлари тўқнашди. Москва учун миллий техник зиёлиларни ва миллий ишчилар синфини секин-аста тайёрлашдан кўра, россиялик саноат ишлаб чиқариш етакчиларини ва мутахассисларини, шунингдек, малакали ишчиларни Ўзбекистонга кўчириб жойлаштириш фойдалироқ бўлиб чиқди.

Иккинчидан, ўзининг сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида Москва учун Тошкентда ва Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарларида рус аҳолиси қатламини қисқа муддатда анча кўпайтириш жуда муҳим эди. Бу — урбанизация жараёнида ўзбекларнинг анъанавий алоқаларини заифлаштириш, турмуш тарзининг ижтимоий-касбий ва демографик таркибини ўзгартиришни мақсад қилиб қўйишга қараганда устунроқ бўлиб чиқди. Чиндан ҳам, СССР ҳукм сурган сўнгги кунларга қадар руслар маҳаллий сиёсий элитанинг мустақиллигини чеклаб турувчи куч бўлиб қолди. Оқибатда, агар 1926 йилда Ўзбекистон аҳолиси умумий этник таркибида русларнинг ҳиссаси 4,7 фоизни ташкил этган бўлса, 1959 йилда деярли уч баравар кўпайиб, 13,5% фоизга етди.¹

Россиялик айрим тадқиқотчилар марказ миллий ишчи ва муҳандис-техник ходимлар тайёрлаш учун бутун имкониятларни ишга солган, деб таъкидлашда давом этмоқдалар. Жумладан, муайян рағбатлантирувчи чоралар ва имтиёзларни назарда тутувчи тегишли партия қарорлари ва давлат меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди. Бироқ маҳаллий меҳнат захираларини ишга солиш баъзан саноат корхоналари раҳбарлари учун фойдали эмасди. Улардан фойдаланиш муайян қийинчиликлар, ташвишлар ва ортиқча оворагарчиликлар билан боғлиқ бўлаб, бу иш корхонанинг моддий ва молиявий маблағлари ҳисобидан амалга ошириларди. Раҳбар органларнинг қатъий кўрсатмаларига қарамай, айрим раҳбарлар мамлакатнинг турли минтақаларидан келган малакали кадрларни афзал кўришарди.

Москва, гарчи Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида туб аҳолининг

¹ Қаранг: Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.141

кўпайишига тўсқинлик қилмаган бўлса-да, бу жараёни тезлаштиришга кўмаклашмади ҳам. Агар Старая площадь майдонида ўзбекларни урбанизациялаш ва қисқа муддатда миллий ишчилар синфини яратишга чинакам интилишганида, бу иш анча қисқа муддатларда самарали амалга оширилган бўларди.

Қисқаси, советча саноатлаштириш Ўзбекистонга келтирган ижобий ўзгаришлар билан бирга, бу ерда аграр жамиятдан индустриал жамиятга ўтишнинг мустамлакачиликка хос кўринишида амалга оширилади.

Пахта экспансияси Совет ҳокимияти даврида тўқимачилик саноати учун ҳам, муҳофаа саноати учун ҳам зарур бўлган пахта яккахокимлигининг ўрнатилиши Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва миллий ривожланишидаги кескин муаммолардан бири бўлиб қолди.

Совет ҳокимияти йилларида пахта хом ашёсини етиштириш асосан уни экстенсивлаш, яъни экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига 9,7 баравар кўпайди. Дон етиштириш эса муттасил камайиб борди. 1913 йилда у 1019 минг тоннани, 1950 йилда 425 минг тоннани ташкил қилди (2,4 баравар камайди), 1975 йилда эса 1079 минг тонна бўлди (аҳоли сони шиддат билан ўсгани ҳолда 5,6 фоиз кўпайди). Умуман, СССР даврида Ўзбекистон республиканинг донга бўлган эҳтиёжини ўз дони ҳисобига фақат 25 фоиз таъминлади, қолганини Россиядан, Қозоғистондан, АҚШдан келтиришга мажбур бўлди.

ВКП(б) МК ва СССР Министрлар Советининг 1948 йил 3 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон КП(б) ва ЎзССР Министрлар Советининг 1947 йилда пахтачиликка раҳбарликдаги хатолари тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистонда маҳаллий манфаатларни деб умумдавлат вазифалари унутилгани тўғрисида жуда кескин гапирилади. Бу -пахта экилган майдон ҳайдаладиган жами майдоннинг узок вақт деярли 80 Фоизини ташкил қилган деҳқончиликнинг оқилона тартиби бузилган ва дон экинлари учун сувсиз ва сифатсиз ерлар ажратилган, хўл мева ва сабзавот етиштириш кескин камайган даврлар эди. Айни маҳалда пахтанинг харид нархлари жуда паст бўлиб, ишлаб чиқариш харажатларининг ўзини базўр қопларди.

Машаққатли пахта терими билан кеч кузгача аёллар ва болалар банд бўлишарди. Москва томонидан тиқиштирилган пахта босқини Ўзбекистонда касаллик ва болалар ўлими юқори, таълим сифати паст бўлишига олиб келди. Катта бир пахта пайкалига айлантириб қўйилган Ўзбекистон олис фожиавий тажриба йўлига тушиб, пахта нафақат қишлоқ хўжалигига, балки саноат, таълим, соғлиқни сақлаш ва пировард натижада ижтимоий ахлоққа салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини тасдиқлади. Олимларнинг хулосасига кўра, “оқ олтин” тавқи лаънат бўлиб чиқди.

Ўзбекистонда жами экин майдонининг деярли 80 фоизига пахта экилгани туфайли минтақа экологияси бузилди ва Орол денгизи қуриди. Маълумки, Орол икки манба — табиий ёғин ва унга келиб қуйиладиган Ўрта Осиёдаги энг йирик икки дарё — Амударё ва Сирдарё суви ҳисобига тўлиб турарди. Шу дарёлар сувидан нодонларча ва меъёрсиз фойдаланилгани учун ҳам Оролга одатий қуйиладиган сувнинг деярли 90 фоизи тушмай қўйди. Сўнгги 30 йил ичида Орол ўз ҳажмининг 75 фоизини ва акваториясининг 50 фоизини йўқотди. Орол муаммоси умумбашарий муаммога айланди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон экологик ҳалокатнинг марказида бўлиб қолди. Орол инқирози Евроосиё районларидаги глобал экологик жараёнларга ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Совет даврида Қорақалпоғистон. маълумки, 1920-йилларнинг бошларига келиб совет ҳокимиятида миллатлар ва элатларнинг тарихий ватани тўғрисидаги мунозаралар авж олиб, тарихий маълумотлар тўплаш, худудлар, хўжаликлар, моддий ва маданий бойликларни ҳисобга олиш бошланган эди. Бу сиёсат қорақалпоқ халқини ҳам четлаб ўтмади. 1924 йил 14 октябрда Бутуниттифоқ советларининг II сессияси РСФСРнинг Қозоғистон автоном республикаси таркибида Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилганлигини тасдиқлади. Аммо, бу вилоят ўз моҳиятига кўра қўшма (унитар) давлат бўлган СССР даги давлатчилик қурилишининг коммунистик кўриниши эди.

Қорақалпоғистон автоном вилояти советларининг I съезди 1925 йил 12-19 февралда вилоят маркази Тўрткўл шаҳрида бўлиб ўтди. Съездда

“Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилганлиги тўғрисида Декларация” қабул қилиниб, “қорақалпоқ халқининг миллий давлатчилиги” ташкил этилганлиги қонуний расмийлаштирилди. Қорақалпоғистон автоном вилояти ижроия қўмитасининг раиси қилиб А. Қудабоев, раис ўринбосарлари қилиб А. Айтешов ва Т. Непесовлар сайландилар. Ўша пайтда Қорақалпоғистон автоном вилояти 160.000 кв. км. зиёдроқ ҳудудни эгаллаган бўлиб, тўртта маъмурий округ-Турткўл, Чимбой, Хўжайли ва Қўнғирот округларидан ташкил топган эди.

Мамлакат сиёсий раҳбарияти шундай сиёсат олиб бордики, “социалистик индустрлаштириш қорақалпоқ халқининг ҳақиқий тенгсизлигига барҳам бериш”ни таъминлаши лозим эди. Ҳақиқий ҳаётда бунга бироз эътибор берилиб, мухтор вилоятнинг саноат салоҳияти маълум даражада ривожланаётгани кўзга ташлана бошлади. Чунончи, 1925-1926 йилларда Қорақалпоғистонда 16 та ишлаб турган саноат корхонаси мавжуд бўлган. Аммо, мухтор вилоят иқтисодиётининг ривожланиши бир томонлама хусусиятга эга бўлиб СССРнинг марказий минтақалари саноатини ривожлантириш эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган эди. Вилоятнинг манфаатларига эса деярли эътибор берилмади.

ВКП (б) Қозоғистон ўлка қўмитаси 1927 йил 22 сентябрда Қорақалпоғистонга вилоят партия ташкилотининг биринчи котиби қилиб П.И. Варламовни (1930 йил охиригача ишлаган) юборди. Бундан қўзланган мақсад “партия ташкилотини ва пахта тайёрлашни оёққа қўйишдан иборат эди. Уша пайтдан бошлаб амалий ишлар асосан “қулоқлар хавфи”га қарши курашга, 1927 йилги сайлов кампаниясидаи бошлаб эса асосий эътибор “овуларни советлаштиришга қаратилди. П.И.Варламов ва Марказ вакиллари автоном вилоят давлат аппаратини “тозалаш” жараёнида жуда кўплаб “аксилинқилобчи, жинойтчи ва яроқсиз унсурлар”ни аниқладилар. ВКП (б) вилоят қўмитасининг ва Қозоғистон Автоном Республикаси МИҚ Раёсатининг кўпгина аъзоларн “ўнг оғмачилик”да айбланди. “Бойларга шерик бўлгани”, “ижтимоий келиб чиқишини яширгани” каби айблар билан

Кегайли туман кўмитаси котиби Елтезеров, Қипчоқ туман туман кўмитаси котиби Бойбозоров, Қўнгирот туман кўмитаси котиби Исамов, Чимбой туман кўмитаси котиби Тожибоев каби кўплаб раҳбар ходимлар ишдан олиниб, судга берилди.

Компартиянинг Қорақалпоғистондаги сиёсати қорақалпоқ халқи нафратининг кучайишига олиб келиб, ўлкада миллий мустақиллик ғояларининг ўсишига сабаб бўлди. Мухтор вилоятдаги мустақиллик учун курашда Оллоёр Дўстназаров, Отаниёз Бекимбетов, Қосим Авезов, Каримберди Саъдуллаев кабилар алоҳида фаоллик кўрсатдилар. 1929 йилда Чимбой ва Кегайли туманларида солиқ кампанияси ўтказилиб, аҳолидан ғалланинг мажбурий тортиб олиниши аҳолининг қўзғолон кўтаришига сабаб бўлди. 1929 йилнинг августида Чимбой ва Тахтакўпир туманларида қўзғолон бошланиб 27 сентябрда Тахтакўпир тумани эгалланди. Қўзғолон Қораўзак, Кегайли, Чимбой, Тахтакўпир, Шўроҳон, Шаббоз туманларини камраб олди. 28 сентябрда мухтор вилоятнинг маркази Тўрткўлда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Совет тузумининг харбий ва сиёсий чоратadbирларни бирга қўшиб олиб бориши натижасида қўзғолон қатъиятлик билан бостирилди. Унда иштирок этган 200 га яқин киши қамоққа олинди.

1932 йил 20 мартда собиқ иттифоқ МИҚ Раёсати “Қорақалпоғистон автоном вилоятини Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантириш ва унинг РСФСРга кириши тўғрисида” қарор қабул қилди. Илгари бўлганидек, Марказ режаларига мувофиқ автоном республикага қишлоқ хўжалиқ хом ашёси ва ярим маўсулотлар етказиб бериш вазифаси юклатилди.

1930-йилларнинг ўрталарига келиб Қорақалпоғистон саноатининг ишлаб чиқариш қуввати ошганлиги кузга ташланади. Хусусан, 1934 йилнинг охирида Нукусда СССРда энг йирик беда уруғи тозалайдиган завод ишга туширилди, пахта тозалаш заводлари, Мўйноқда балиқ тозалаш консерваси қомбината, Тўрткўл электр станцияси, Нукус шаҳрида матбаа комбинати курилди. Аммо, саноатда банд бўлган миллий муҳандис - техник

ходимларни шакллантириш муаммоси ҳал этилмади. Чунончи, бу даврда саноатда банд бўлган 940 нафар муҳандис-техник ходимдан атиги 37 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди.

1936 йил 5 декабрда СССРнинг янги конституцияси қабул қилиниб, унда Қорақалпоғистоннинг ЎзССР таркибига кириши кўзда тутилган эди. Бу Марказнинг манфаатларини кузлаб “СССРнинг пахта мустақиллигини” кўлга киритиш учун Ўрта Осиё республикалари зиммасига режалаштирган навбатдаги вазифани қонунлаштириши эди. 1937 йилдан бошлаб ҚҚ АССР Ўзбекистон ССР таркибига киритилди.

Марказ Ўзбекистон каби Қорақалпоғистон саноатини ҳам асосан пахтачилик билан боғлаган ҳолда ривожлантиришни мўлжаллаган бўлиб, саноатнинг бошқа тармоқларига эътибор қаратилмади. Натижада Қорақалпоғистон ўзининг саноат жиҳатдан ривожланишида Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан орқада қолди. Ўлкада енгил саноат корхоналари секин суръатлар билан ташкил этилди. Султон Увайстоғ, Устюртнинг бой маъдан захираларидан эса унумли фойдаланилмади. Бу эса республика ва унинг аҳолиси моддий ва ижтимоий аҳволига анчагина зиён келтирди. Бунга кўшимча Қорақалпоғистоннинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги сиёсий ҳаётидаги беқарорлик, маҳаллий кадрларга ишончсизлик билан қараш, туман раҳбарларидан тортиб республика миқёсидаги раҳбарларгача бўлган юқори лавозимларга Марказ вакилларининг кўйилиши автоном республика халқ хўжалигидаги аҳволга, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатди.

1960-80-йиллардаги ислоҳотлар ўзининг бутун зиддиятли эканлигига қарамай, ҳар ҳолда Қорақалпоғистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини нисбатан ривожлантиришга ёрдам берди. Халқ хўжалигининг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланди.

Ирригация-суғориш иншоотларининг бутунлай янгича тизими ташкил этилди. Бу ҳол кўриқ ерларни ўзлаштириш ва суғоришда муҳим омил бўлди. Аммо, Марказнинг моҳият эътибори билан мустамлакачиликдан иборат

сийёсати туфайли республиканинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмади. 1980-йилларда республика раҳбарларининг Султон Увайстоғ конининг фойдали қазилмаларини ўзлаштиришни жадаллаштириш борасидаги ташаббуси марказ томонидан қўллаб-қувватланмади. Бу ҳол Қорақалпоғистоннинг аҳолиси зич жойлашган ва меҳнат ресурслари ортиқча бўлган жанубий туманларидаги бўш меҳнат ресурслари жалб этиш имконидан маҳрум этди.

Республикада индустриянинг машинасозлик, электротехника, кон-руда, кимё саноати каби тармоқлари ривожланмади. Саноат фақат бир томонлама, пахтачиликка ихтисослашган тармоғи, шунингдек, қисман бўлсада, озиқ-овқат саноати ривожлантирилди. Бу бир томонлама ривожлантириш республика иқтисодиётига путур етказди. Шунга қарамадан, совет давридаги оғир шароитда мустадиб тузум томонидан алданиб ва бор-йўғидан айрилиб келган Қорақалпоғистон халқи харбийлаштирилган тинч меҳнатнинг оғир бўлишига қарамадан, барча қийинчиликларга бардош берди ва фидокорона меҳнат қилди.

III БОБ. СИЁСИЙ –МАЪМУРИЙ МУҲИТ ВА СОБИҚ СОВЕТ НОМЕНКЛАТУРАСИ

3.1. Ўзбекистонда советлар қатағон сиёсти.

Собик советлар мамлакатада маъмурий - буйруқбозлик тизими қарор топиб, мустахкамланиб бориши билан Ўзбекистоннинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёти узлуксиз сиёсийлаштирилиб борилди. Ҳуқуқрон партия томонидан “социалистик қурилиш” авж олдирилди. Бу жараёнларни маҳаллий халқнинг илғор вакиллари, айрим раҳбар ходимлар норозилик билан кутиб олдилар. Улар томонидан Марказнинг зўравонлигига қарши очик танқидий фикрлар билдирилди, Аммо, мустабид тузум уларга қарши қатъий кураш олиб борди. 1920-йилларнинг охири 30-йилларда Ўзбекистоннинг ватанпарварлик қайфиятидаги раҳбар ходимларни бирлаштирган гуруҳлар (“18 лар гуруҳи”, “Иноғомовчилик”, “Қосимовчилик”) турли тухматлар асосида фош қилиниб, қатағон қилиндилар. Улар орасида ЎзССР Маориф халқ комиссари Раҳим Иноғомов, УзССР Олий судининг раиси Саъдулла Қосимов, ЎзССР Ер ишлари халқ комиссари Иномжон Хидиралиев, Ички ишлар халқ комиссари Рафиқов кабилар бор эди.

Лекин большевиклар ўзларининг манфаати учун, хизматда фойдаланиш учун, зиёлилар катта куч эканини, айнан улар миллатнинг шаъни, виждони ва ақл-заковати эканини тушунардилар. Ҳар қандай миллатнинг маълумотли қисми бўлган зиёлилар оммани маърифатли қилиш, уларга инсоний ва илғор ғояларни етказиш, пировард натижада миллий кадр-киммат туйғусини шакллантиришни ўз виждоний бурчи деб билади. Айни шу ҳолат большевиклар учун энг дахшатли эди. Шунинг учун улар террорни аввало, зиёлилардан, шу жумладан, миллий республикалардаги зиёлиларни қатағон қилишдан бошлади.

Бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам маҳаллий кадрларни сунъий танлаш тизими қарор топа борди. Истеъдод, билимдонлик, маҳорат ҳеч нарсани ҳал қилмай қўйди.

Москва Ўзбекистонда зиёлиларга қарши узлуксиз, вақти-вақти билан, фақат шакл ва услубини ўзгартириб, мунтазам кураш олиб борди. 1937—1938 йиллардаги ошкора, сон-саноксиз террорнинг ўрнини қурбонларга қарамай, қирқинчи йиллар охири — эллагинчи йилларнинг бошида ортиқча шов-шувларсиз, териб-танлаб қататон қилиш эгаллади. Шу йиллар давомида миллий зиёлилар учун қатъий қоида ҳукм сурганди: омон қолмоқчи бўлсанг, Москвага сиёсий жиҳатдан яхши ниятли бўлиб кўринмоғинг лозим.

XX асрнинг 20-30 йиллари – янги ижтимоий замин ва замон шарт-шароитларида адабиёт соҳасида юритилган сиёсат ёзувчиларни пролетар мафкураси измига солишдан иборат бўлди.

Совет адабиётининг шаклу шамойили РКП(б) Марказий Комитетининг “Партиянинг бадиий адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида”ги (1925 й., 18 июнь) қарори¹, ВКП(б) XV съезди (1927 й.) партиянинг XVI съезди (1930 й.) резолюция ва қарорлари асосида кадр ростлади. Айни пайтда ижодда эркинликка чек қўйилди ва барча совет воқелигини мадҳ этишга сафарбар этилди. Мафкура масалалари биринчи даражали аҳамият касб этиб, адибларни тазйиқ остига олиш, соҳа ва жойлардан синфий душман излашга зўр берилди. Асосий эътибор жадидчиликни миллатчилик сифатида қоралашга қаратилди.

Давр тақозоси билан Ўзбекистон моҳиятан мужмал, чегараси ноаниқ “миллатчилик” исканжасида қолди, айниқса, манфур тухмат мустақил фикрлашга интилганлар, танланган йўлнинг тўғрилигига шак келтирганлар бошига ҳадду поёни йўқ кулфатлар келтирди.

Адабий ҳужумлар марказида Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби энг истеъдодли адибларнинг шахси турган. Мунаққидлар, ёзувчи ва шоирлар ўз сафдошларини ва ҳатто устозларини бадном қилиш жараёнида фаол иштирок этган. Жараён марказдан туриб бошқарилган. Оқибатда, ҳасадгўй мунаққид-ёзувчиларнинг ўз ҳамкасбларига қарши тухматкорона

¹ О партийной и советской печати. М., 1954, С.345

хужумлари кейинчилик қатағонга “холис хизмат” қилган.¹ *Адабий танқид, танқидий мақолалар, танқидчилик* қатағон механизмининг таркибий қисми сифатида қодирийлар ва чўлпонларни қатли омга тайёрлаб борган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V-плenumsида (1932 й. 10-12 июль) Абдурауф Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” рисоласи “буржуа-мафкураси” билан йўғрилганликда айбланади.² Мир Алишер ўзбек адабиётининг асосчиси эканлиги тўғрисидаги хулосаси ва унинг “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида темурий шоирларга ўрин берилгани сабаб танқилчилар томонидан “*чигатоизм*”да айбланганлик профессор Фитрат учун катта зарба бўлди.

Синфий душман излаш таълим муассасалари, илмий танқикот институтларининг иш йўналишини белгилаб берди. Республика Тил ва адабиёт институтида А.Фитрат, Абдулла Қодирийларнинг ижод йўли “ўрганилди”. Тадқиқотлар хулосасига кўра, Фитратнинг миллатчилик ва пантуркистик қарашлари “*фош қилинди*”, Қодирий қаламига мансуб тарихий романлардан синфий қараш воқеаларнинг ички моҳиятидан эмас, балки, уларнинг ташқи кўринишларидан ахтарилади. М.Шевердин ва Сотти Хусайн, Олим Шарофиддинов ва Ж.Шарифийларнинг *мақолаларида* адибга миллат ўтмишини идеаллаштирувчи, синфий душманларга хайрихоҳ айби каби тавқи лаънат илинади.

Совет адабиётининг шаклланиши жараёнида ёт мафкураларга қарши курашувчи “Қизил қалам” жамияти (1926 й.), Тошкент пролетар ёзувчилари ассоциацияси (1928 й.), Ўзбекистон пролетар ёзувчилари ассоциацияси ЎзАПП (1930 й.) ташкил топади.

Хусусан, ЎзАППчилар маҳаллий миллатчиликни *фош қилишни* ўзларининг асосий вазифалари деб билди. Социалистик ўзгаришларни ҳамд-сано этмаган шоир-у ёзувчиларга “*миллатчи*” , “*аксилнқилобчи*”

¹ Қаранг: Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. Илмий-тадқиқий мақолалар. Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007, Б.205; Яна қаранг: Турдиев Ш. Тарихга янгича назар. Қатағон даври танқидчилиги истиқлол даври талқинида // Жаҳон адабиёти, 2009 йил, сентябр, Б.145-150

² РИСТДА 17-фонд, 27-рўйхат, 39-иш, 62-варақ

тамғаси босилди. Улар миллатнинг энг истеъдодли ёзувчиларини бадном этмоқчи бўлдилар. Фитрат, Чўлпон ва А.Қодирийларга қарши матбуотда бошланган кураш уларни адабиётдан сиқиб чиқариш билан тугади.

ЎзК(б)П Марказкоми V-плenumsи материаларида қайд этилишича, 45 нафар респондент –Ўзбекистон ёзувчиларидан 20 таси Горький, 13 нафари Толстой ва Пушкин, фақат 3 таси –Байрон, 2 ёзувчи Шекспир билан таниш, ёзувчиликка даъвогарлардан 12 нафари эса ҳеч нарса ўқимаган.¹ Фикримизча, адабиётда бадиий таржима асосчиси бўлган Чўлпон миллатни рус ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан яқиндан таништиришда пролетар ёзувчиларнинг ҳар қандай вакилидан кўра салмоқлироқ ишни амалга оширганлиги учун ҳам “миллатчи” сифатида айбланган бўлса керак.

1927 йилнинг 14 февralида “Қизил Ўзбекистон” газетасида “Ўзбек шоири Чўпон” сарлавҳали мақола эълон қилинади. 1930 йилларнинг ўрталаридан бошлаб адибни қораловчи *мақолалар оқими* янада кучайди. 1936 йилда унинг “Кеча ва кундуз” романи алоҳида китоб тарзида нашр қилинди. Ўз навбатида, ҳасадгўй мунаққид Ж.Шарифий, Олим Шарофиддинов, Ф.Султоновлар шоир “миллатчилигини” фoш қилишга киришадилар: “Чўлпон ўзбек миллатчиларининг балоғатга етган, мақталган санъаткори бўлиб, миллатчилар у билан фахрланар эдилар. Чўлпон кўп йилларгача ва ҳозир ҳам шу ифлос ботқоқлик ичида қолди. “Созим”, “Жўр” (босилмаган) деган шеър тўпламлари билан “Кеча ва кундуз” романи бунга мисол бўла олади”.²

Сир эмаски, ҳар бир истеъдод эгасининг ОГПУ-НКВД орқали шафқатсиз тазйиқ остига олиниши сабаб қодирийлар ва чўлпонларнинг замонасозлик йўлига ўтиб турган онлари ҳам бўлган. *“Табийки, давр тақозосига кўра, -деб таъкидлаган эди Презимдентимиз И.А.Каримов,- ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан мурoса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода мустабид тузум*

¹РИСТА 17-фонд, 27-рўйхат, 39-иш, 78-варақ

² Шарифий Ж., Шарофиддинов О., Султонов Ф. “Кеча ва кундуз” ҳақида.// Тарихнинг номаълум саҳифалари. Учинчи китоб. - Т.: O'ZBEKISTON, 2012, Б.230-234. Маълумот учун: Мақола “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1937 йил 6 август сониди босилган.

даврида виждон азобини ҳам кўпроқ тортган, деса, мен доимо... эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим”¹.

1937 йил июнь ойининг ўрталарида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг пленуми бўлади ва унда Чўлпон, Фитрат ва Абдулла Қодирийлар қаттиқ танқид остига олинади, очикдан-очик миллатчи белгиси, “халқ душмани” айблови уларнинг бўйинларига илинади.

1937 йил 13 июлда Чўлпон, шу йилнинг 22 июлида Фитрат, 31 декабрда эса Абдулла Қодирийлар қамокқа олинади.² СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Фитрат Рауф Рахимович, Қодирий Абдулла (Жулқунбой), Сулаймонов Абдулҳамид Сулаймонович (Чўлпон)лар отувга ҳукм қилинади, ҳукм ўша куни ижро этилади.³

Шундай қилиб, буюк фарзандларнинг ҳаёт йўли хотима топди, лекин улар миллат хотирасида ҳамиша барҳаёт. Зеро, коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида Фитрат, Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар халқнинг тафаккурини уйғотиш, миллат санъати ва бадиий ижодиётини шакллантиришда ўз муносиб ўринларига эга эдилар.

XX асрнинг 30-йилларида собиқ СССР, жумладан, Ўзбекистонда ҳам “социализм” асослари қуриб тугалланди. Бу жараён большевиклар партиясининг “доно раҳбарлиги остида” синфийлик тамойилига қатъи амал қилинган ҳолда кечди. Социализм ғалабасида коллективлаштириш, “маданий инқилоб”, партия ва совет аппаратидаги тозаловлар муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ижтимоий ҳаёт коммунистик асосларида мутлақ мафкуравийлаштирилди, фожеали оқибатларга олиб келган оммавий қатағон, сургун қилиш сиёсати қарор топди. 1937-1953 йилларда биргина Ўзбекистон бўйича

¹ Каримов И. Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор. //Жаҳон адабиёти, 2009, №7, Б.5

² Қаранг: Тарихнинг номаълум саҳифалари. Биринчи китоб. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009, Б.141

³ Қаранг: Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. Биринчи китоб. Т.: SHARQ, 2012, Б. 37-39

қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган.¹ Юртбошимиз қатағон сиёсатининг моҳият-мазмунига нисбатан: *“Қатағон дегани мустамлакачилик ва истибдод даврида, шўро замонида жуда чуқур ўйланган ҳолда бутун халқимизга, миллатимизга қарши олиб борилган, инсонийликка ёт, зулм ва зўравонлик, тазйиқ ва қўрқитиш сиёсатининг негизини ташкил этади,”*² деб энциклопедик таъриф берган эдилар.

Бугунги кунда мустамлака ўтмишимиздаги “социалистик” ўзгаришларнинг характери ҳамда унинг ижтимоий оқибатларини ўрганиш миллий тарихшунослигимизда муҳим аҳамият касб этади.

Советларнинг тозалаш сиёсати аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлиб, *биринчидан*, ёт унсурлардан, мавжуд режим ва аҳволга норозилик билдирган реал, яширин ёки фаразий аксилинқилобий гуруҳлардан жамиятни тозалаш; *иккинчидан*, ғайриоддий чоралар билан кадрлар инқилобини амалга ошириш; *учинчидан*, фашизм агрессия хавфи кучайиб бораётган бир шароитда ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишлар эвазига бўлса-да, режимни мустаҳкамлашдан иборат эди. Ўз навбатида, социалистик курилишда йўл қўйилган хатолар ва янглишишлар учун кимдир (троцкийчилар, синфий ёт унсурлар ёки “милатчи-халқ душманлари”ми ?!) жавобгар бўлиши кераклиги мавжуд режим, замон тақозоси эди.

1930 йилларда давлат тасарруфига олинган аграр иқтисодиётда муайян ижобий ўзгаришлар юз беради. Эришилган муваффақиятларнинг асосий омили сифатида ВКП(б) раҳбарлигида республика партия ташкилотининг ўнг оппортунизмга, троцкизмга, “сўл” оғмачиларга қарши олиб борган кураши кўрсатилади Ўзбекистон партия ташкилотининг IV курултойи резолюцияларида.³ Масалан, “қулоқлар”га қарши кураш ниқоби остида 1932-1933 йилларда Андижон шаҳар контрол комиссияси томонидан 191

¹ Каримов.И Юксак маънавият–енгилмас куч. Т:Маънавият, 2008 Б. 98

² Каримов.И.А Халқ-қахрамон, халқ хотираси олдида доимо бош эгамиз...//Халқ хотираси олдида бош эгамиз.Т.: Шарқ, 2001, Б.16-17

³ Ўзбекистон коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. Тошкент, 1958, Б.348

комунист партиявий жавобгарликка тортилиб, 116 партия аъзоси (78 –аъзо, 38-номзод) партия сафларидан чиқарилган.¹

1933 йил январида МТСлар қошида ва совхозларда ташкил топган сиёсий бўлимлар саъй ҳаракатлари билан 1933 йилнинг биринчи ярмида республика МТС ва совхозлари 404 нафар ёт унсурлардан “тозаланди”. Эски Бухоро МТСнинг сиёсий бўлими томонидан колхозлардан 218 “кулоқ” хўжалиги, 7 та собиқ амир маъмурлари, 18 та савдогар, 10 та бой, 5 руҳоний шахслар аниқланиб жазога тортилди.²

Ўзбекистонда партия сафларини ялпи тозалаш кампаниясида (1934 й.) ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси жонбозлик кўрсатди. Я.Петерс Тошкент шаҳар партия фаоллари йиғилишида синфий жихатдан шубҳали кишилар каторида “миллатчи-мунофиқлар”дан партияни тозалашга чакиради.³ ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси пленумида (1934 йил, сентябр) Ўзбекистон партия ташкилоти миллатчи, ёт унсур сифатида “фош қилинган” масъул раҳбар ходимлардан тозаланганлиги қайд қилинади.⁴

1934 йил 3 майда Ўрта Осиё бюроси қарори билан тозалаш бўйича Ўрта Осиё комиссияси, Ўзбекистонда Республика комиссияси ташкил топади. Жойларда 96 та район комиссиялари ва 150 та бошланғич комиссиялар тузилиб, улар муассаса, корхона, совхоз, МТС ва колхозларда “тозалаш” ишларини олиб бордилар. Партиянинг 45570 та аъзоси ва номзоди тозалов қамровига тортилиб, уларнинг 12657 нафари ВКП(б) сафларидан чиқарилди. 2960 таси хайрихоҳлар гуруҳига ўтказилди.⁵ Партия сафидан чиқариш айниқса, Бойсун районида 60 фоизни, Марҳаматда 52 фоизни, Яккабоғда 50 фоизни, Термиз районида эса 48,8 фоизни ташкил этди.⁶

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви Андижон вилоят бўлими, 1-фонд, 1-рўйхат, 290-иш, 138-варак

² Қаранг: Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917-1937 гг. Т.: Фан, 1992, с.61

³ Петерс Я. О задачах парторганизаций Средней Азии. Т.: Средиздат, 1934, Б.7,8,13,14

⁴ Петерс Я. О ходе чистки парторганизаций республик Средней Азии. Доклад на пленуме Средазбюро ЦК ВКП(б) 5 сентября 1934 г. Москва-Ташкент, 1934, с.3-5

⁵ Гей К. Уроки и итоги чистки партийной организации Узбекистана. Т.: Узпартиздат, 1935. с.5-12

⁶ Ўша жойда, Б. 36-37

Ўзбекистон партия ташкилотининг VII курултойи (1937 йил, июнь) шўъбаларда троцкийчи-бухаринчилар қолдиқларини фoш қилишни ва бу борада ҳар бир коммунистдан сиёсий ҳушёрликни оширишни, ниқобланган душманни топа ва фoш қила билишни қатъи талаб қилади.¹

Коммунистларнинг VIII курултойи (1938 й., июль) ўз навбатида, партия аъзоларининг диққат-эътиборини троцкийчиларга, бухаринчиларга, “миллатчилар”га қарши курашга², коммунистларни партия сафидан асосиз чиқариб юбориш ҳолларига чек қўйишга қаратди.³

Айниқса, “миллатчилик-оғмачилик”да айбловлар Ўзбекистон сиёсий арбоблари, мутахассис-зиёлилар бошига турли кулфатлар, бахтсизликлар келтирди. Сталиннинг партия XVII съездида миллатчиликка томон оғиш “ўз миллий” буржуазиясининг Совет тузумини барбод этиш ва капитализмни тиклашга уринишларини акс эттириши”⁴ тўғрисидаги хулосаси “миллатчилик”га қарши курашда партия учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

1937 йилга келиб кенг тус олган тозалаш жараёнида асосий эътибор “миллатчи-халқ душманлари”ни излаб топишга қаратилди. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1937 йил феврал-март ва июнь пленумлари, айниқса Ўзбекистонда партия ва давлат бошқарув органларининг заифлашувида муҳим босқич вазифасини ўтади. 1937 йил июнида НКВД томонидан Файзулла Хўжаевнинг қамоққа олиниши сиёсий элитага қарши бошланган ялпи қатағондан дарак эди. “*Фoш қилиш*” механизми ишга туширилди: республиканинг деярли барча раҳбар ходимлари халқ душманлари сифатида “фoш қилинди”. Оқруғ, шаҳар ва район комитетларининг котиблари, халқ комиссарлари совет тузумини ағдариб ташлашга қаратилган Иттифоқдан ажратиб, Англия, Германия ва бошқа

¹ РГАСПИ, 17-фонд, 27-рўйхат, 141-иш, 402-415-варақлар: Ўзбекистон Комунистик партияси VII съездининг: стенографик ҳисоботи

⁴ Ўзбекистон Комунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. –Тошкент, 1958, Б.382-383

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви Андижон вилоят бўлими, 1-фонд, 1-рўйхат, 462-иш, 17-24-варақлар: Андижон темир йўллари бошланғич партия ташкилоти умумий мажлис баённомаси қайд этилган ҳужжатларда 21 нафар коммунист асосиз партиядан чиқариб юборилгани кўрсатилган.

⁶ Сталин И. Ленизм масалалари. – Тошкент, Ўздавнашр, 1955 Б.617

давлатлар мустамлакасига айлантириш, республика иқтисодиётини издан чиқариш мақсадида террорчилик ҳаракатларини содир этишлик каби НКВД идораларида тўқиб чиқарилган ёлғон айбловлар билан қамоққа олиниб, қатли ом қилиндилар.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг биринчи котиби А.Икромов ЎзКП(б) Марказий контрол комиссиянинг раиси Ж.Тўрабеков, ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси раисининг ўринбосари Д.И.Манжара, ВКП(б) Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи котиби Д.Ризаев, Хоразм область партия комитетининг котиби Н.Исроилов, Ўзбекистон ер ишлари халқ комиссари Р.Исломов, Тошкент темир йўллари бошлиғи З.Я.Прокофьев, 19-ўзбек дивизиясининг командири М.Миршаропов, кекса комунист Низомиддин Хўжаев, бир қанча ёзувчилар, маданият ходимлари қиронли “тозалаш” қурбонига айландилар.

Жазо муддатини ўтаб юрган Боту, Рамзи, Ҳ.Восилов, Қамчибек ва Б.Ғуломовлар ҳибсга олиниб отувга ҳукм қилинди. Халқ маорифи раҳбарларидан К.Сорокин, А.Кожухов, К.Шариповлар ҳибсга олиниб, К.Сорокин 1938 йил 3 октябрда, А.Кожухов 6 октябрда, К.Шарипов 4 октябрда отишга ҳукм қилинади.¹

1937 йил октябридан Ўзбекистонда А.Икромов ва Ф.Хўжаевларнинг “дум”ларини излаб топиш, партия сафидан чиқариш ва қамоққа олиш бўйича талай ҳозиржавоб ишлар амалга оширилади. Масалан, Қўқон шаҳар партия ташкилоти фаоллари, Сурхондарё округ партия комитети, Андижон шаҳар партия ташкилоти фаолларининг мажлисларида “халқ душманлари”

¹ Хасанов Б. Репрессии против интеллигенции Узбекистана в 20-30 годы и их последствия. //Ўзбекистон тарихи, 2001, № 1-2, С.101-109

² РГАСПИ, 17-фонд, 27-рўйхат, 365-иш, 7-35 варақлар:

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви Андижон вилоят бўлими, 1-фонд, 1-рўйхат, 462-иш, 124,143,157,179,182,200,205-варақлар; Яна қаранг: 1-фонд, 1-рўйхат, 511-иш, 7,33,76-78,126-127,130-варақлар

⁴ Масалан, ҳужжатларда ақс этишича, Фарғона шаҳридан О.Андреевнинг троцкийчилик фаолияти бўйича айблов, Андижон ш. партия комитетининг иккинчи котиби М.И.Қриқановнинг Н.Бухарин ва А.Икромовлар билан яқин алоқада бўлганлигини яширгани учун унинг турмуш ўртоғи В.Леонова иши бўйича айблов, М.Ахунов, Ҳ.Ҳамзаев, А.Хасанов, “халқ душманлари” билан мунтазам алоқада бўлганликлари тўғрисидаги айбловлар бўйича қарорлар Партколлегия томонидан тасдиқланган.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари–Т. Ўзбекистон, 1997, Б 58

*излаб топилади, кескин қораланади, қатор шаҳар, район, раҳбарлари партиядан ўчирилиб устидан жиноий иш қўзғатилади.*²

1937 йил октябрь–1938 йил май ойлари ичида Андижон шаҳар фаолларидан 42 нафари “халқ душмани” билан алоқада бўлганликда айбланиб бадном қилинган.³ Комунистлар апелляцияси ВКП(б) Контрол Комиссиясининг Ўзбекистондаги Вакили ҳузуридаги Партколлегия томонидан кўриб чиқилган.⁴

Республика миллий арбоблари тозалаш жараёнида қатағон домига тортилган ижтимоий тоифаларнинг бош туркуми бўлди. Мустақил давлат тузишга интиланликда айбланган миллат фидойилари сталинча руҳда тарбия топган янги авлод билан алмаштирилди.

Курашлар интихосида... миллий мустақиллик тарихан қарор топди: *1991 йили тоталитар тузумнинг собиқ қурбонлари ўз мамлакатларининг озод бўлишига эришди ва миллий давлат сифатида қайта тикланиш имкониятини қўлга киритди.*⁵

XX аср миллат ҳаётида, унинг маданияти ва адабиётида ёрқин ва ўчмас из қолдирган *Фитрат, Чўпон, Абдулла Қодирийлар феномени* нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон халқлари тарихида ҳам ноёб ҳодисадир.

Ўзбекларнинг тарихий хотираси мафкуравий курашнинг бош жабҳаси бўлди. Чингиз Айтматов айти шу ҳақда бундай деб ёзгани: “Одамнинг ерини тортиб олиш мумкин, бойлигини тортиб олиш мумкин, ҳатто ҳаётини ҳам олиш мумкин, лекин инсоннинг хотирасига тажовуз қилишга кимнинг ҳадди сиғади?”

Бу борада гоят ўзига хос вазият юзага келганди. Рус миллий маданияти ўтмишининг катта қисми Сталин ташаббуси билан илғор, чинакам халқчил, шаклан миллий ва мазмунан социалистик янги маданиятни бойитувчи ҳодиса, деб баҳоланганди. Русларникидан бошқа, шу жумладан ўзбек миллий маданий меросига нисбатан эса Москва бошқа нуқтаи назарда қатъий турарди. Навбатдаги кампаниялар ҳайрон қоладиган изчиллик билан социалистик гояларга ёт асарлар излаб топиларди.

Ўз КП(б) МКнинг XIV пленуми (1946 йил 28—30 август) бу жиҳатдан

намунавий бўлди. Москвада тайёрлаб келинган маърузада “...қатор илмий ва бадий асарларда миллатчилик маъносидаги хатоларга йўл қўйилди. Айрим тадқиқотчилар ва тарихчилар томонидан феодал ўтмишни идеаллаштиришга очикчасига уринилди, ўша ўтмишни оғзидан сўлагини оқизиб тасвирлаш ҳоллари юз берди”.

Дастлаб матбуотда қоралаш, эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш, истеъдоди бор соҳада меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ва ҳоказо тарзида, сўнг эса ҳибсга олиш усули билан олиб борилган таъқиб қирқинчи йиллар охирида кучайди. 1951 йилда таниқли адиблар Мирзақалон Исмоилий, Шухрат, Саид Аҳмад, Ҳамид Сулаймон шоир ва драматург Шукрулло (Шукрулло Юсупов) ва бошқалар қатағон қилинди. Ойбек, Туроб Тўла космополитизмда айбланди.

1952 йил 21-22 февралда бўлиб ўтган Ўз КП(б) МК пленуми миллатчиликка қарши кураш жазавасининг чўққиси бўлди. Пленумда яна тарихчилар, файласуфлар ва ёзувчилар бошига маломат тошлари ёғдирилди, гўёки улар миллий маҳдудлик билан касалланган, олис ўтмиш ўзбеклар тарихида олтин аср бўлган, деган фикрни тикиштираётган эмиш, бу билан совет ҳокимияти даврда Ўзбекистонда эришилган чинакам буюк социалистик ўзгаришларни йўққа чиқаришга ва камситишга уринишаётган эмиш.

Ўзбек халқ достони “Алпомиш”га қарши кампания ҳам шу тариқа ўтказилди.

Жадидчиликнинг ижтимоий табиатини баҳолашда миллатчилик қолдиқлари намоён бўлганлиги тўғрисидаги масала ҳам ўта кескин тарзда қўйилди. Чунки жадидлар ҳам большевиклар асло хуш кўрмайдиган ва улар учун хавfli бўлган миллий зиёлилар эди. Маърифатчилик тарихида жуда муҳим босқич бўлган бу ҳаракат Ўрта Осиёда ўзига хос маданий уйғониш бўлганди. Москва учун у айнан шуниси билан хавfli эди. Ўзбекистон компартияси МК пленумида (1963 йил 12—13 июль) жадидларнинг-аксиланқилобий, буржуа-миллатчилик ҳаракатини айбсиз деб топишга ва унинг мафкурачиларини оқлаш йўлидаги интилишларга қарши муросасиз кураш олиб

бориш зарурлиги уқтирилди. Совет ҳокимиятининг сўнгги ўн йиллигидагина жадидларга нисбатан тақиқлар бир мунча бўшаштирилди, тарихий дунёкараши ва ижодий мероси кенг жамоатчиликка кам маълум бўлган ёки умуман маълум бўлмаган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат ва бошқа жадидчилик вакилларининг таржимаи ҳоли ҳамда асарларини ўрганишга эътибор бироз жонланди.

Советлар олиб борган қатагон сиёсатининг қурбони бўлган рахбар кадрлар

1. Абдулла Раҳимбоев - 1896 йилда Хўжанд шаҳрида туғилган. 1919-йилдан бошлаб Совет идораларида хизмат қила бошлаган. 1920-1922 йилларда Туркистон АССР МИҚнинг раиси, маориф халқ комиссарлари лавозимларида ишлаб, 1922 йилда марказнинг “ тайёрлови”дан сўнг 1923-1924 йилларда Бухоро қомпартияси ва Туркистон ҚПнинг Марказий кўмитаси котиби, 1925-1928 йилларда СССП халқлари Марказий нашриёти бошқармаси раиси, 1934-1937 йиллар Тожикистон ССР Халқ Комиссарлари советининг раиси лавозимларида ишлаган. 1938 йил 7 майда отиб ташланган.

2. Турар Рисқулов- 1894 йилда Ёттисув вилоятида туғилган. 1918-1919 йилларда Туркистон соғлиқни сақлаш халқ комиссари, очарчиликка қарши кураш Марказий Комиссияси раиси, 1919-1920 йилларда РКП(б) ТКП мусулмонлар бюроси раиси, 1920 й. январ-июлда Туркистон АССР МИҚ раиси, 1922 йил сентябр -1924 йил январда Туркистон АССР ХКС раиси, 1924-1937 йилларда РСФСР ХКС раисининг муовини лавозимларида ишлаган. 1938 йилда Марказда қамоққа олиниб, отиб ташланган.

3. Қайғусиз Отабоев - 1887 йилда Закаспий вилоятининг Тожан уездида туғилган. 1917-1918 йилларда Мари уезди советининг туркман секцияси раҳбари, уезд озиқ-овқат кўмитаси раиси. 1920-1922 йилларда Туркистон АССР ХКС раиси лавозимларида ишлаб, 1922 йилда Марказга чақирилиб, “тайёргарлик”нн ўтагач 1923-1925 йилларда БХР Нозирлар

қенгаши раисининг биринчи ўринбосари, 1925-37 йилларда Туркменистон ССР ХКСнинг биринчи раиси лавозимларида фаолият юритган. 1937 йилда Марказда қамоққа олиниб, ўша йили отиб ташланган.

4. Назир Тўрақулов - 1892 йилда Қўқонда туғилган, 1918-1919 йилларда Қўқондаги совет идораларида, 1919 йилда Туркистон АССР МИҚнинг раиси, 1920 йилда Маориф халқ комиссари, 1920-1922 йилларда Туркистон Компартияси МҚ масъул котиби, 1922-1928 йилларда совет халқлари Марказий нашриёти раиси, 1928-1936 йилларда СССРнинг Хижоз (ҳозирги Саудия Арабистони) давлатидаги консули ва Мухтор элчиси лавозимларида ишлаган. 1939 йилда отиб ташланган.

5. Абдулқодир Мухиддинов- 1892 йилда Бухорода туғилган, 1919-1920 йилларда Туркистон мусулмонлари бюросининг аъзоси, 1920 йил сентябр-1921 йил сентябрда Умумбухоро инқилобий қўмитаси раиси, 1920 йил сентябрдан Бухоро ХСР деҳқончилик нозири, 1921- 1924 йилларда БХСР савдо ва саноат нозири. Меҳнат кеиғаши раиси, БХСР нозирлар Қенгаши раисининг иккинчп муовини, 1925-1929 йилларда Тожиқистон АССР ХКСнинг биринчи раиси. 1930-1933 йилларда ЎзССР таъминот комиссари лавозимларида ишлаган. 1933 йил 21 августда қамоққа олиниб, 1934 йил 1 июнда отиб ташланган.

6. Оллоёр Дўсғназаров - 1896 йилда Амударё вилояти (ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси), Чимбой уездида туғилган. 1921-1924 йилларда Қўнғирот тумани партия қўмитасининг биринчи котиби, Чимбой уезди шаҳар партия қўмитасининг бўлим мудирини, Амударё вилоят партия қўмитасида назорат комиссиясининг раиси, 1924-1925 йилларда Қорақалпоғистон автоном вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, 1930 йилда Бошқирдистон АССР ишчи-деҳқон инспекциясининг раиси, 1931-1935 йилларда Москвадаги “Металстрой” трести бошқарувчиси муовини лавозимларида ишлаган. 1937 йил 8 декабрда отиб ташланган.

7. Абдурауф Фитрат - 1886 йилда Бухорода туғилган. 1920-1923 йилларда Бухоро ҳукуматида вақф бошқарувининг мудирини, ташқи ишлар ва

маориф нозири. У Бухорода ҳуқуқий давлатчилик жорий этилиши, ўрта аср истибдодини маънавий ва иқтисодий жиҳатдан янгилаш. Европа намунасидаги маърифатли мустақил ҳокимият билан алмаштиришни кўзда тутувчи ислохотларнинг муаллифи бўлган. Фитрат ҳокимиятни суистеъмол қилишда ноҳақ айбланиб, 1938 йилда отиб ташланган.

8. Убайдулла Хўжаев - (Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли) 1882 йилда Тошкентда туғилган. Феврал инқилобидан кейин у Тошкентдаги “Шўрои Ислом” ташкилотининг раиси, Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўросининг котиби ва аъзоси, Туркистон Мухторияти ҳукуматида ҳарбий вазир лавозимида бўлган. Советлар даврида бир неча марта қамоққа олиниб, сургун қилинган. 1938 йил сургунда вафот этган.

9. Саъдулла Қосимов - 1893 йилда Тошкентда туғилган, 1925- 1929 йилларда ЎзССР Олий судининг раиси лавозимида ишлаган. 1930 йилда миллатчиликда айбланиб отиб ташланган.

10. Иномжон Хидиралиев - 1891 йилда Наманган уезди, Поп волостида туғилган. 1920 йилда Қўрғонтепа туман инқилобий кўмита раиси. Фарғона вилояти партия кўмитаси раиси, 1922 йил (қисқа муддат) Туркистон АССР Ер-сув ишлари халқ комиссари, 1922-1924 йилларда Туркистон АССР МИҚ раиси, 1924 йил январ-ноябрда Туркистон АССР МИҚ ва ХКСнинг РСФСРдаги Мухтор вакили, 1926 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги банки бошқаруви раиси лавозимларида ишлаган. Совет тузумининг И.Хидиралиевга ўтказган руҳий тазйиқлар ва таъқиблари натижасида у 1928 йил 31 декабрда Москвадаги “Национал” меҳмонхонасида уз жонига суиқасд қилган.

11. Акмал Икромов - 1898 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1919-1920 йилларда Фарғона ва Сирдарё вилоятларидаги партия ташкилотларида, 1921 йилда Туркистон КП МҚ котиби лавозимида ишлаб, 1922-1924 йилларда Москвада таълим олган. 1925 йилда ЎзКП МҚнинг масъул котиби, 1929 йилдан МҚнинг биринчи котиби лавозимида ишлаган. А.Икромов ўз фаолияти давомида совет сиёсатини изчиллик билан амалга оширишга

карамай, 1937 йилда Тошкентда хибсга олинди. 1938 йилда Москвада отиб ташланади.

12. Файзулла Хўжаев - 1896 йил Бухорода туғилган. 1920 йилдан Тошкентда ташкил этилган “Ёш бухороликлар” партияси Марказий бюросининг раиси, БХСР Нозирлар Кенгашининг раиси, ташқи ишлар нозири, ҳарбий ишлар нозири, 1925 йил февралдан ЎзССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг раиси лавозимларида ишлаган. Ф.Хўжаев ЎзССР ХКК раиси лавозимида ишлаб турган пайтида, 1937 йилда Москвада қамоққа олинди, 1938 йил 13 мартда отиб ташланади.

Ўзбек тилининг қисмати катта ларзаларга дучор этилди. Йигирманчи йилларнинг охири-ўттизинчи йилларнинг бошида динга қарши кураш байроғи остида чекистларнинг махсус отрядлари Қуръонга қўшиб ўзбек тилидаги қадимий қўлёзмаларни, ўрта аср олимларининг асарларини ва миллий мумтоз шеърят тўпламларини йўқ қилиб ташлади. Марказнинг кўрсатмаси билан миллий алифбо ислоҳ қилинган ва ўзбеклар орасида рус тилини ёйишга қаратилган маъмурий чора-тадбирлар амалга оширилган мажбурий руслаштириш сиёсатининг яққол кўриниши бўлди.

1929 йил бошларида ўзбек тилининг араб алифбоси бекор қилиниб, зўрлик билан лотин алифбоси киритилди. 1939 йилда лотин алифбоси Кирилл алифбоси билан алмаштирилгач, бир қанча вақт ўзбеклар ўз адабиётидан, ўз буюк илмий меросидан умуман ажралиб қолди.

Умумий ўрта таълим тизимида рус тили йилдан-йилга ўзбекларнинг она тилини суриб чиқараверди.

Расмий пахта иши 1983 йилда бошланди. Ўшанда Москва Бухорога Т. Гдлян бошчилигидаги тергов комиссиясини область раҳбариятининг юқори поғонасидаги коррупция ҳақида тушган сигналларни обдон текшириш учун юборди. Тез орада бу тергов комиссиясининг фаолият кўлами бутун Ўзбекистонга ёйилди. Кўпгина партия, давлат ва хўжалик раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилди ва қамоққа олинди. Область партия кўмиталарининг 13 та биринчи котибидан 10 киши лавозимидан бўшатилади, улардан 5 нафари

камалди, биттаси отилди. Ўзбекистон компартияси МКнинг тўртдан бир қисми янгиланди.

Коррупцияга қарши кампания очикдан-очик ўзбекларга қарши миллий кампанияга айлантирилди. Ўша пайтдаги КПСС МКнинг энг нуфузли раҳбарларидан бири Лигачевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон партия ва давлат аппаратидаги кадрлар ёппасига алмаштирилди. Баъзи раҳбарлик лавозимларига ўзбеклар ўрнига Россиядан юборилган руслар тайинланди. Бу тадбир, КПСС МКдагиларнинг фикрича, Рашидов даврида бўшашиб қолган Москванинг тўла назоратини тиклашга, республикадаги ишларнинг боришида Москванинг таъсирини кучайтиришга кўмаклашмоғи лозим эди. Аини вақтда Москва халқни ўз миллий раҳбариятига қарши қилиб қўйишга уринди.

Собиқ совет тузумининг зўравонлик сиёсати Туркистон Мухториятига, истиқлолчилик ҳаракатига қарши курашда, қишлоқ хўжалигини жамоатлаштириш даврида, 30-йилларнинг охири ва 50-йилларнинг бошида рўй берган оммавий катағонлар даврида, 80-йилларнинг биринчи ярмида Москвада тўкиб чиқарилган “пахта иши” ёки “ўзбеклар иши” деб аталган бўҳронларда фожеали тарзда намоён бўлди.

Пахта иши муносабати билан Москванинг кўрсатмасига мувофиқ ҳаракат қилган Рафиқ Нишонов бошчилигидаги Тошкент партия раҳбарияти томонидан Рашидов бадном қилинган эди. Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари бўлиши биланоқ Рашидовнинг иззат-икромни жойига қўйилди. Тошкентдаги марказий шохқўчалардан бири Шароф Рашидов номи билан аталди. Пойтахтда ва Жиззахда унинг шарафига ўрнатилган ёдгорликлар қайта тикланди. Тошкент марказидаги Сайилгоҳ кўчаси Амир Темур ҳайкали ёнидан бошланиб, Рашидов ҳайкали ёнида тугайди.

3.2. Шароф Рашидов –ўзбек халқи фанранди.

Шароф Рашидов – ўзбек халқи фарзанди. Ўзбекистондаги совет ҳокимияти ҳақида гапирилганда, Шароф Рашидов сиймосида иттифоқдош

республиканинг давр раҳбарига хос хусусиятлар жуда мукамал даражага етган ва, таъбир жоиз бўлса, унинг зиёлилик сиёғида ўзбекона миллий табиий белгилар билан чамбарчас чатишиб кетган. Уни ўз замонининг рамзи деса бўлади.

Шароф Рашидов (1917-1983) — сиёсий арбоб, ёзувчи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1974, 1977 йиллар), 1943 йилдан журналистика ва партия ишида, 1947—1949 йилларда “Қизил Ўзбекистон” газетасининг муҳаррири, 1950—1959 йилларда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси, 1959 йилдан Ўзбекистон КП МК биринчи котиби, 1961 йилдан КПСС МК Сиёсий бюроси (Президиуми) нинг аъзолигига номзод. Бир қанча роман ва қиссалар муаллифи.

Чорак асрдан сал камроқ вақт мобайнида Ўзбекистондаги совет ҳокимияти Шароф Рашидов шахси билан боғлиқ бўлди. Рашидов сиёсат сахнасида Хрушчев замонида чиққан республика раҳбарлари тоифасига мансуб.

Ўзининг шахсий хислатларига кўра Рашидов шу тоифанинг энг ёрқин намояндаларидан бири эди. Ҳар ҳолда, фақат у Хрушчевнинг ҳам, Брежневнинг ҳам ҳомийлиги ва тўла ишончидан фойдаланган иттифоқдош республикалар раҳбарларидан бири эди. У шу ишончни йўқотмади, москвалик доғули ҳукмдорларнинг ўзаро рақобат “ўйинлари” тўрига илинмади. Шароит доирасида имкони борича Ўзбекистоннинг обрўйини сақлаб келди, Тошкентнинг нуфузини СССРдагина эмас, дунёда ҳам Шарқ юлдузи сифатида қарор топтирди.

Шароф Рашидов сочига оқ оралаганига қарамай, норғул, навқирон, чеҳраси бежирим, ўзини хушмуомала, зиёли тутувчи инсон бўлган. У бошқаларнинг фикрига эҳтиром билан қарар ва келишувчан эди.

Рашидов ҳам унинг бошқа иттифоқдош республикалардаги касбдошлари ҳам, аслида, ўз республикаларида Москванинг ноиблари бўлган. Мустабид тузум шароитида бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бироқ айни вақтда Москва ўз кўрсатмаларини амалга ошириш учун уларга муглақо чекланмаган ҳокимият бериб қўйган дейиш мумкин. Шу билан бирга, Хрушчев

даврида ва айниқса Брежнев даврида Москва билан республикалар ўртасида, аввало, кадрлар масалаларида ҳокимиятни ўзаро тақсимлаш тўғрисида қандайдир пинҳона ва оғишмай риоя этиладиган келишув мавжуд эди. Республикаларнинг раҳбарлари Москванинг буйруғига ҳеч қачон эътироз билдирмас, миллатчиликка мойилликни, айирмачилик иддаоларини, русларга қарши кайфиятларни ҳеч қачон қўллаб-қувватламас эди, чунки булар сиёсий барқарорлик учун ҳамда уларнинг шахсий ҳокимияти, мансаби ва тақдири учун бевосита кескин хавф туғдирар эди. Москва эса республикаларнинг ихтиёрига ташлаб қўйилган ишларга аралашмас, уларнинг раҳбарларини авайлаб-асрар ва обрў-эътиборини ҳар томонлама қувватлаб турар эди.

Рашидов қай даражада мустақил қарорлар қабул қила олар эди? У Старая площадь (КПСС МК) кўрсатмаларидан ташқари, айниқса бу кўрсатмаларга зид равишда нималар қила олар эди?

Шароф Рашидов миллий маданиятни сақлаш ва ривожлантириш учун, олимлар, ёзувчилар, санъат арбоблари орасидаги эркин фикрловчилар таъқиб қилинишини юмшатиш, давлатнинг аксил яхудий сиёсати шаштини камайтириш учун имкони йўл қўйганича бир талай иш қилди. Бошқа бир қанча эзгу ишларга ҳам бош-қош бўлди. У Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини уйғун тарзда ривожлантириш тарафдори эди. Рашидов пахтачилик соҳасида марказнинг қатъий истагига қарши туришга бир неча бор уринди, аммо ҳатто у, КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзод бўлса- да, кўпинча тенгсиз баҳсда ожизлик қилиб қолар эди.

Рашидов Ўзбекистонга раҳбарлик қилган узоқ вақт мобайнида турли воқеалар рўй берди.

Олтмишинчи йилларда бутун мамлакатнинг куч-ғайрати билан Қизилқум чўлида қўлбола мўъжиза — жаҳон андозаларига мос келадиган ноёб технополис пайдо бўлди. Бу ерда қисқа муддатда шаҳарлар, руда конлари, автомобиль йўллари, аэропорт, заводлар қурилди, Навоий кон-металлургия комбината барпо этилди, бу комбинат дунё миқёсида салмоқли ҳажмда олтин ва уран қазиб олмоққа ва ишлаб чиқармоққа. Газлида жуда катта газ кони

ўзлаштирилди. 1966 йилнинг апрель ойида Тошкентда zilзила содир бўлганда, унинг вайронгарчилик оқибатлари бир неча йил мобайнида барча иттифоқдош республикалар иштирокида бартараф этилди. Катта шаҳарнинг анчагина қисми бутунлай янгидан қурилди. 1977 йилда Тошкент метрополитенининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Москва Тошкентни Ўрта Осиёнинг пойтахти деб билар эди. Олтмишинчи йилларнинг бошларида Тошкентда Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгаши тузилди. Москва учун Тошкент — жанубга — Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонга олиб чиқадиган дарвоза ҳам эди. У Шарқ мусулмонлари учун социализм рамзи эди.

Масалан, 1966 йил 4—10 январь кунлари Тошкентда Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон билан Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи Лаъл Баҳодир Шастрининг СССР Министрлар Совети Раиси А.Косигин иштирокидаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувнинг мақсади 1965 йилда Кашмирда бошланган Ҳиндистон—Покистон қуролли можаросини бартараф этишдан иборат эди. Тошкент учрашуви вақтида имзоланган Декларация Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги низоли масалаларни тинч ҳал қилиш учун расмона асос яратди.

Рашидов даврида Ўзбекистон учинчи Ленин ордени, Октябрь Революцияси ва Халқлар дўстлиги орденлари билан мукофотланди, унинг ўзига эса, икки марта — 1974 ва 1977 йилларда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

ХУЛОСА

Совет ҳокимиятининг ҳамма йилларида Ўзбекистон моҳият эътибори билан ўз давлатига эга бўлмаган. Биз капитализмнинг машаққатли босқичини четлаб, социализмга ўтганимизни ҳамма жойда рўқач қилиб келишди. Аслини олганда, бошқалардагига караганда ёмон бўлмаган ҳақиқий социализм қурганимизга ишонтирмоқчи бўлишди.

1917 йили, инқилобни, “мақсад воситаларни оқлайди” деган сўзлар шиор бўлган вақтда бошқача ўйлайдиган ва фикрлайдиган кишиларни шафқатсиз жисмоний қириб юбориш бошланган даврлар бўлди.

1983 йилдан бошлаб “пахта иши” -деб аталмиш ишлар даври бошланди. Ўзбекистонга юзлаб терговчилар, “қонун хизматкорлари” ва корчалонлар келиб, кўнглига келган номаъқулчиликларни қилдилар. Республика аввалига қарахт бўлиб, ҳамма кўркувга тушди сўнгра бироз тинчланиш рўй берди. Кейинги босқичда республика аҳолисининг ғазаби кўзгалди. Рўй бераётган воқеаларни қабул қилмаслик, уларга фаол қаршилик кўрсатиш жараёни бошланди.

45- йил муқаддам Сталин ҳукмронлиги йилларида буларга нисбатан йўл қўйилган тарихий адолатсизлик тўғрисида гапирмаслик нотўғри бўлар эди. Ўзбекистонга бадарға қилинган бошқа халқлар –қрим татарлари, чеченлар, ингушлар билан биргаликда 150 мингга яқин месхети туркларини олиб келишди. Шу йиллар давомида улар ўзбеклар ва республикамиздаги бошқа халқлар билан ёнма-ён яшаб келишди. Мамлакатда қайта қуриш бошланди, СССР Олий Кенгаши йўл қўйилган тарихий адолатсизлик қоралади. Бироқ бу иш юзасидан адолат тикланмади.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг навбатдан ташқари VI-сессияси чақирилди. Унда Ватанимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган мислсиз тарихий аҳамиятга молик ҳужжатлар қабул қилинди: “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий

Кенгаш баёоти” ва “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қароридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган бу ҳужжатлар халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқанлиги ва амалга ошганлигининг ҳуқуқий асоси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан 1991 йил 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни деб эълон қилинди. Шундан бери бу кунни Ўзбекистон меҳнаткашлари энг улуғ ва қутлуғ байрам сифатида ҳар йили нишонлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида”ги қонун 1991 йил 29 декабрда ўтказилган умумхалқ референдумида овозга қўйилди. Сайлов натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон меҳнаткашларининг 98,2 фоизи Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини ёқлаб овоз берди, яъни Республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган Қонун умумхалқ иродаси ила янада мустақамланди.

Республика меҳнаткашларининг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигига бўлган қатъий азму-қарорини худди шу куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президентини сайлаш натижалари ҳам исботлади. Овоз бериш натижаларига кўра сайловда қатнашган фуқароларнинг 86,2 фоизи Ислон Каримов номзодини қўллаб-қувватладилар. Ана шу тариқа Ислон Каримов умумхалқ овозини қозониш йўли билан сайланган Ўзбекистоннинг биринчи Президентидир. Шундан бошлаб ҳозирги кунга қадар республикада амалга оширилаётган катта ва кенг қўламдаги буюк бунёдкорлик, эзгулик ишлари, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий тараққиёти, туб ўзгаришлар сўзсиз суръатда унинг номи билан боғлиқдир¹.

Мамлакатимиз халқлари қариб 150 йилга яқин давом этган Россия

¹ Шамсутдинов Р., Исҳоқов И. Андижон тарихидан лавҳалар. Т.: “Шарқ”, 2013. 371-бет

мустамлакачилиги бўйинтуруғини ўз елкасидан улоқтириб ташлаб ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ҳам бошқарувнинг янги тизими жорий қилинди ва у тобора такомиллашиб бормоқда. Республикада вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг иш услуби демократик иш услубига айлантирилди. Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатнинг бош йўли–ҳуқуқий, демократик давлатни вужудга келтириш, ҳамма нарсадан қонуннинг устувор бўлишини таъминлаш, фуқаро-жамият–давлат принципини амалга ошириш, шу йўл билан фуқаролар жамиятини барпо этиш тамойили асосида бошқарувнинг янги тизими вужудга келди. Ҳаётнинг ўзи жойларда ҳокимликларни жорий этишни талаб қилди. Натижада ҳокимликларда кўпроқ мустақиллик, ўз ҳудудида ўз ҳукми ва сўзининг таъсир-салмоғини ошириш, хўжалик ва иқтисодий бошқарувда қаттият билан ишлаш имкониятлари юзага келди. Буни республика халқ хўжалигининг турли соҳалари мисолида яққол кўриш мумкин.

Фойдаланган манба ва адабиётлар

I. Президент И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар. Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Ўзбекистон, 1997
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998.
6. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. Т.: Ўзбекистон. 1999. Б.4.
7. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008,
8. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: Ўзбекистон, 2011.

II. Адабиётлар

1. Абдулла Авлоний. Ўсон миллат. Т.: «Шарқ» 1995.
2. Алимов И.А. Қўқон хонлиги мадраса, қорихона ва мактаблари тарихи. Қўлёзма нусхаси. Тошкент. Фан, 2014.
3. Алимова Д., Каримов Р., ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. (1917-1991 йиллар). -Т.: Шарқ, 2000.
4. Азимов Ҳ. И. Ўзбекистон тарихи. (1917-1945 йиллар). -Тошкент. 2011
5. Зиёев Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. –Т.: Фан, 2000.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон Совет муштамлакачилиги даврида. Муаллифлар жамоаси.-Т.: Шарқ 2000.
7. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар гуруҳи. -Т.: Академия. 2011.

8. Усмонов Қ., Согдқов М. Ўзбекистон тарихи. (1917-1991 йиллар). - Т.: Шарқ, 2006.
9. Ўзбекистон Республикаси. Маълумотлар китоби. Нашрга тайёрловчи Ф. Қувонова. -Т.: Янги аср авлоди. 2011.
10. Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. -Т.: Шарқ, 2001.